

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА IX-XII АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН
УЙҒОНИШ (РЕНЕССАНС) ДАВРИ. ФАН ВА МАДАНИЯТ РАВНАҚИ**

Н.А.Буранова, Ў.Б.Шакаров

ТОШКЕНТ – 2017

Буранова Н.А., Шакарлов Ў.Б. “Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX-XII асрларда юз берган уйғониш (ренессанс) даври. Фан ва маданият равнақи.” / ўқув-услугий қўлланма ТАҚИ, 2017.

Мазкур услубий қўлланма ўрта-махсус ва олий таълим ўқув юртлари талабалари ва профессор-ўқитувчилари эътиборига ҳавола этилган бўлиб, унда инновацияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурияти ҳамда таълим-тарбия жараёнида педагогик технология усулларидадан унумли фойдаланиш ҳақида сўз юритилади. Ушбу қўлланмада берилган маълумотлар “Ўзбекистон тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Маънавият асослари. Диншунослик”, “Миллий ғоя”, махсус курслар, “Фалсафа”, “Мантиқ, этика ва эстетика” каби фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишда амалий ёрдам беради.

Тақризчилар:

ф.ф.н., доц. М.Рашидова

т.ф.н., доц. Н.А.Бабаджанова

Услугий қўлланма Тошкент архитектура-қурилиш институти “Фалсафий ва ижтимоий сиёсий фанлар” кафедрасининг 2016 йил 15 ноябрь 5-сонли йиғилишида тасдиқланиб, нашрга тавсия этилди. ТАҚИ Илмий-услугий Кенгашининг 2016 йил ноябрь - сонли мажлисида муҳокама этилиб, маъқулланди.

МУНДАРИЖА

Кириш	4-7
Ренессанс даври тушунчаси. IX-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият	8-12
Уйғониш даври илм-фан мутафаккирлари	13-30
IX-XII асрларда бадий адабиёт соҳасида ижод қилган алломалар	31-35
IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик	36-48
IX-XII асрларда меъморчилик ва мусиқа санъати	49-54
“IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш (ренессанс) даври. Фан ва маданият равнақи” мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш (Иловалари билан)	55-61
“IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш (ренессанс) даври. Фан ва маданият равнақи” мавзусини мустаҳкамлаш ва талабаларни баҳолаш юзасидан интерфаол методлар (Иловалари билан)	62-78
Хулоса	79-81
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати....	82-84

К И Р И Ш

Ҳар бир халқ ўз она тарихини билиши асносида - ўзлигини англаш, ўтмиш ота-боболари, авлоду-аждодлари руҳи ва хотирасига ҳурмат ва садоқатини камол топтириш, сиёсий ва миллий онг маданиятини шакллантириш мақсади ётади.

Ўзбек халқи қадимдан жаҳон халқлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Негаки, ҳар бир халқ ўз ривожланиш жараёнида миллийлик, ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан бирга жаҳон халқлари, бутун инсоният тараққиёти билан умумий боғланишдадир.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи тарихи аввало Марказий Осиё мамлакатлари халқлари тарихи билан, қолаверса, бутун жаҳон халқлари тарихи билан чамбарчас боғланган. Қадим замонлардан буён Ватанимиз Марказий Осиё минтақасидаги кўпгина давлатлар билан ягона иқтисодий ва маданий маконда бўлиб келган. Бу катта ҳудудда яшовчи уруғ, қабила, қавм, элатлар этник жиҳатдан доимо ўзаро таъсирда ва алоқада бўлиб, кўшилиш жараёнини бошидан кечирганлар, уларни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган.

Тарихий хотира, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни эгаллаш талаба-ўқувчиларда ҳалоллик, одиллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, илмга интилиш каби инсоний фазилатларни шакллантиришга кўмаклашади.

Ватан тарихи ёшларда жамиятда эртароқ мустақил фаолият юритиш, ўз қобилиятини тўлароқ очиш ва ҳаётга татбиқ этиш сифатларини шакллантиради, Ватан, халқ тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиш каби юксак маънавий бурчни тарбиялайди, миллий ғоя билан қуроллантиради.

Шу боисдан Ватан тарихини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга молик вазифадир. Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли мактабгача таълим муассасаларидан тортиб Олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишга давлат даражасига кўтарилган вазифа сифатида катта эътибор берилмоқда, ғамхўрлик қилинмоқда. «Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда»¹.

¹ Каримов И.А.: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ҳамда тараққиёт кафолатлари. Т.:Ўзбекистон, 1997, 140-бет.

Ватанимиз тарихи юзасидан кўплаб манбалар мавжуд бўлиб, улар аввало ўтмиш ота-боболаримиз қолдириб кетган ва дунёдаги жуда кўплаб хорижий мамлакатлар, чунончи Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия, Англия, Франция, Россия каби давлатларнинг ҳамда Ўзбекистоннинг кутубхоналарида ва Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институти, Шарқ кўлёмалар институти фондида сақланаётган (Бу ерда 40 мингдан зиёд кўлёмна нусхалари, 30 мингдан ортиқ тошбосма китоблар ва 10 мингдан ортиқ Шарқ тилларида ёзилган ҳужжатлар мавжуд) бой кўлёмна асарлар халқимизнинг ўтмиш мероси нечоғли улкан эканлигидан дарак беради.

Бундай манба ва асарларнинг ўқиб ўрганилиши, ҳаётга татбиқ этилиши ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, эл-юрт ва миллат манфаатининг оташин ҳимоячилари қилиб камол топтиришда чексиз хизмат қилади.

Кўҳна она тарихимизни батафсил ўрганиш, унинг битмас-туганмас сарчашмаларидан билимга чанқоқ замондошларимизни баҳраманд этиш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида “Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX-XII асрларда юз берган уйғониш даври. Фан ва маданият равнақи.” мавзусини имкон даражада ёритишга ҳаракат қилдик. Ҳа, ўзбек халқининг сержило, минг-минг йиллик бой тарихий мероси бор. Бу даврда Ўрта Осиёда фан ва маданият бобида шу қадар ажойиб фан кашфиётлари ва тадқиқотлар яратилдики, бу ўтмиш аجدодларимизнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган бебаҳо ҳиссасигина бўлиб қолмасдан, уларнинг даҳоси ва ақл-заковатининг ниҳоятда юксаклигидан ҳам далолат беради.

Бизнинг юртимиз азалдан умумжаҳон - инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланиб, у оламшумул воқеликларга жуда бой. Ўзбекистон халқи мана шу воқеликни бошидан кечирган қадим ва яқин аجدодларимизнинг ҳаёти қандай бўлганлиги, жаҳон тарихи тараққиётига қўшган улкан ҳиссаларини холисона ва ҳаққоний ўрганади.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов, тарихнинг энг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда кадрият эканлигини таъкидлаб, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, “Тарих халқ маънавиятининг асосидир” деган тарихий ҳақиқатни тўғри англатувчи ўта теран тарих фалсафасига оид фикрларни олға сурди.

Ўқув-услугий қўлланманинг **долзарблиги** шундаки, ҳозирги кунда барча таълим муасасаларининг таълим ва тарбия жараёнларида ўтмишдаги иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг аҳволи, ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганиш, улардан келажак учун сабоқ ва хулоса

чиқаришдадир. Бу эса, келажак авлодлар учун дастуруламал бўлади. Юртимизда Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод этган аجدодларимизнинг яратган моддий-маданий, маънавий-мафкуравий кадриятлари меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган амалий ишларнинг ташкилий - тарихий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш каби ўта долзарб вазифалардан баъзилари ўқув-услубий қўлланмада имкон даражада ўрин топган, деб ўйлаймиз.

2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”, 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияларда юртимизда таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларида эришилган ютуқлар яна бир бор эътироф этилди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг концептуал йўналишлари белгилаб берилди.

Юқорида қайд этилган концептуал йўналишлар асосида амалга киритилган Ўзбекистон тарихи фанининг назарий ва амалий муаммолари, тарих фанини ўқитишдаги инновациялар, ўқув дастури, маъруза матнлари, Ўзбекистон тарихи фанидан тайёрланаётган кейслар, амалий топшириқлар, назорат саволлари шу кунга қадар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан мунтазам тўлдириб борилмоқда.

Бу эса олий таълим муассасаларида қўлланиладиган таълим ва тарбия жараёнларини ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларини ва улар асосида ишлаб чиқиладиган концептуал масалаларни ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан янада кенгрок ўрганиш ва таҳлил этишни долзарблигидан далолат беради.

Маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари ёшларнинг дунёқараши ва тафаккурини шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган, маънавий дунёсини бойтадиган, уларнинг онгида маънавий бўшлиқ юзага келишига йўл қўймайдиган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларини мазмунан такомиллаштириш ҳамда таълим самарадорлигини янада оширишни талаб этади.

Ўтган давр мобайнида олий таълим тизимида фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуасини такомиллаштириш ва уларни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган кўплаб амалий ишлар амалга оширилди.

Бу ишлар келгусида янада изчил давом эттирилади. Фанларни ўқитишда узвийлик ва изчилликни таъминлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни

такомиллаштириш, илм-фан соҳасидаги янгиликларни уларда акс эттириш, бугунги ва истикболдаги вазифаларни ёритиш, мустақил таълим, ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинади.

Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётини ўрганишда Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» (Т.1993), Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (Т.1968), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (Т.1960), М.Қашғарийнинг “Девону луғотит-турк.” Уч жилдлик. (Т.1960-1963), Абу Тохирхожанинг «Самария» (Т.1991), Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (Т.1991), Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк» (Т.1997) ва бошқа нодир китоблар муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон тарихига доир тарихий манбалар ҳақида маълумотлар Б.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» (Т.1991), Т.Саидкуловнинг «Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар» (Т.1993) номли китобларда акс этган, ўқув жараёнида улардан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон тарихининг биз ёритаётган мавзуни ўрганишда етакчи замонавий тарихчи олимларимиз томонидан яратилган тарихий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улардан энг муҳимларининг номлари, муаллифлари ҳақидаги маълумотлар мазкур ўқув қўлланмаларининг охирида, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлимида берилган бўлиб, уларни ўқиш, ўрганиш талабаларга тавсия этилади.

Шунингдек, мавзуни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, фармон ва фармойишлари, мустақиллик даврида қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар муҳим назарий методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда барча фанлар бўйича дарс машғулотларини замонавий педагогик технология асосида ташкил этиш йўллари кенг қўламда тадқиқ этилмоқда. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, педагогик технологиялардан самарали ва изчил фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган ушбу ўқув-услубий қўлланма мутахассислар ва талабалар эътиборига ҳавола этилмоқда. Шу боис, ўқув-услубий қўлланмада илова тарзида келтирилган визуал дарс ишланмалари, тарқатма материал, слайдлар ҳамда баҳолаш мезони фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар мисолида берилди.

РЕНЕССАНС ДАВРИ ТУШУНЧАСИ. IX-XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДАГИ СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши туфайли халқимизнинг асрий орзуси ушалди, ўз тақдири ва келажагини ўзи яратадиган бўлди. Тарихан қисқа даврда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида кескин бурилиш ясади. Мамлакатимизни модернизация қилиш, фаол демократик янгиланишларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор ислохотлар ўтказилди. Жумладан, ана шу буюк ўзгаришларни асрлар давомида орзу қилган халқимизнинг кўҳна тарихига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Зеро, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”.¹

Айниқса, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва янада юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишда Ватан тарихини ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш, бирламчи манбаларга таяниб талқин этиш, келажак авлодга ҳақиқий тарихимизни ўқитиш орқали уларни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади.

Фанда "Уйғониш даври" деб аталадиган давр Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларда XIV-XVI асрлардаги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш учун ишлатилган. Биринчи маротаба "уйғониш" атамасини XVI аср италян рассоми ва тарихчиси Ж.Вазари ўз асарларида ишлатади. "Уйғониш", "уйғониш даври" атамалари XIV-XVI аср ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моҳиятини очиқ бермасдан, кўпроқ антик давр меросини, яъни антик маданиятга ўхшаш маданиятни қайтадан "тирилиши", "уйғониши" маъносида ишлатила бошланди. Кейинчалик фанда бу атама кенг қўлланила бошланди.

Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятининг белгилари қуйидагича:

- Дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний илмларни жамият, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан талқин этиш;
- Турли халқларнинг маънавий-маданий мероси ўтмиш маданий қадриятларидан (эрон, араб, юнон маданияти бойликлари) фойдаланиш;

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008. – Б.4.

- Табиатни, мавжуд ҳаётни, мавжудотни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик илмларининг ривожланиши;
- Билишда ақлни мезон деб билиш, ақлий билиш, рационалистик усул, илмийлик ролининг ошиб бориши;
- Инсонга муҳаббат, унинг ахлоқий, ақлий ҳислатларини, қобилиятларини ўрганиш ва фазилатларини очиб беришга интилиш, мантиқ илмига катта эътибор бериш, комил инсонни тарбиялаш, етук фозил жамоа ҳақидаги фикрларни асослаб бериш;
- Диний тасаввур, диний таълимотлар ривожда диний ахлоқий мавзунинг устунлиги, инсон ҳулки, манфаатларининг диний ғояларда етакчи мавзуга айланиши, ички маънавий камолот, Оллоҳга ишончнинг ортиши, маънавий-руҳий кўтарилиш, юксалиш ёрдамида эришиш ва унинг сифатларига муяссар бўлишга қаратилган фаолият;
- Оғзаки ва ёзма сўзга катта эътибор, унинг ижтимоий – ахлоқий кудратини куйлаш, таърифлаш, шеърят, филология, бадиий маданиятнинг юксак ривож, сўз санъати, риторика билан шуғулланиш маданийликнинг муҳим белгисига айланиб қолиши кабиларни киритиш мумкин..

Мамлакатимизда юз берган илк ренессанснинг яна бир муҳим омили шундан иборатки, Марказий Осиёда қадимдан цивилизация асослари, моддий ва маънавий маданиятнинг чуқур илдизлари мавжуд бўлган. Мавороуннаҳр ва Хуросон халқлари қадимдан маданий анъаналарга бой ва маънавий мавқеи юқори бўлган. Шу сабабдан Марказий Осиё араб халифалигига, умуман ислом дунёсига киргандан кейин ҳам узоқ вақт барча мусулмон ўлкалардаги маданиятнинг ривожда кўп жиҳатдан етакчи бўлган. Ана шу улкан маданий маърифий қатлам, пойдевор заминида IX-XII асрларда юртимизда янги маданий тараққиёт вужудга келди. Демак шу йилликлардаги ренессанс том маънода ҳам “уйғониш”, яъни олдинги вазиятга келиш, тикланиш ва янада ривожланишни англатади. Маданиятимиз нафақат тикланди, балки янги чўққиларга чиқди, бу муваффақиятларни бутун жаҳон алломалари тан олди.

Шу маънода кўпчилик тадқиқотчилар IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида маданиятнинг ривожланишини ўзига хос хусусиятларни ҳам "уйғониш" даври деб аталиши юқорида қайд қилинганидек, шартлидир деб ҳисоблайдилар.

Маълумки, IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш даври бўлди. VII асрда Араб халифалиги ҳозирда Ўрта Осиё деб аталмиш худудни фатҳ этиб бўлган, бу ерларда ислом дини кенг ёйилиб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт Араб халифалиги тартиб-қоидаларига бутунлай бўйсундирилган эди. Халифалик таркибига киритилган ўлкаларда фақат ислом динигина эмас, балки араб тили ва унинг имлоси ҳам жорий этилди. Чунки араб тили халифаликнинг давлат тили бўлса, ислом дини унинг мафкураси эди. Шу сабабли бу мамлакатларда араб тилини ўзлаштиришга интилиш кучли бўлган.

Исломни қабул қилган аҳолининг араб тили билан мулоқоти, ибодат вақтларида Қуръон сураларини тиловат қилишдан иборат бўлган бўлса, маҳаллий зодагонлар араб тилини халифалик маъмурлари билан яқинлашиш ва мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини тиклаб уни мустақамлашнинг гарови деб ҳисоблайдилар. Араб тилига бўлган бундай эҳтиёж ва интилиш туфайли кўп вақт ўтмай Мовароуннаҳрда хатто ўз она тилидан кўра араб тили ва ёзуви ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлди. Чегаралари борган сари кенгайиб, улканлашиб бораётган халифалик учун илм аҳли сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Давлатни бошқаришда халифалик маъмурияти билимдон сиймоларга муҳтож эди. Чунки араблар орасида бу пайтда давлат ишига яроқли бўлган билимдонлар ҳам оз бўлиб, борлари ҳам заиф эди.

Бу ҳол ўз навбатида араб тили ва ёзувини Мовароуннаҳрда кенг ёйилишига имконият яратиб берди. Аммо VIII аср охири IX аср бошларида бўйсундирилган халқларни мутлоқ итоатда сақлаб туриш нафақат халифалик маркази маъмурларига, балки ўлкаларга тайинланган ноиб учун ҳам тобора қийинлаша бошлади.

821 йилда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг **ноиб** этиб тайинланган **Тоҳир ибн Ҳусайн** халифалик ўйлаганидек сиёсат юргизмади. У халифа номини хутба номозидан чиқариб ташлашга кўрсатма берди. Тоҳирийлар шундай қилиб сўзда ўзларини халифаликнинг ноибидек кўрсатсалар-да, амалда мустақил иш юритиш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Бу борада диққатга сазовор томони шундаки, Тоҳирийлар нафақат сиёсий мустақилликка интилдилар, балки хўжаликнинг кўпгина тармоқларини ўзлари хоҳлагандай тартибга солишга ҳаракатлар қилдилар. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида сув таъминотини яхшилашга катта эътибор қарата бошладилар. Катта-катта ариқлар, каналлар қаздирдилар. Сув таъминоти ҳақида фикҳшунос олимлар рисоалар ёзиб (“Китоб алқуний”), бу ишни аниқ тартиб-қоидага биноан олиб бориш лозимлигини исботлаб

бердилар. Шундай қилиб, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиш учун замин пайдо бўлди.

873-йилда **Тоҳирийлар** хукмронлиги ўрнига **Саффорийлар** хукмронлиги ўрнатилди. Бу ўз навбатида Мовароуннахрнинг Хуросондан ажралиб, ўз мустақиллигини тиклаб олиши учун асос бўлди.

IX асрнинг охири чорагида Мовароуннахр **Сомонийлар** қўл остига ўтиб, мустақилликни янада мустаҳкамлаб олади. Сомонийлар сулоласининг энг йирик вакилларидан бири бўлмиш Исмоил Сомоний кучли давлат тузишга ҳаракат қилади ва бу ишни муваффақиятли равишда уддасидан чиқади.

Сомоний хукмдорлар ўз давлатларини ўзларигача бўлган шарқ давлатларининг бошқарув анъаналарини чуқур ўрганган ҳолда, уларга суяниб, замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиб бошқаришга ҳаракат қилдилар.

Мовароуннахр деб аталадиган бу ҳудудда мустақил давлатларнинг ташкил топиши уларда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг равнақига катта таъсир кўрсата бошлади. Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Марв каби шаҳарлар илм-фан ва маданият марказлари сифатида шаклланиб, ривожлана бошлади.

Ўрта Осиёда IX-XIII аср бошларида Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари хукм сурдилар. Бу давлатлар халқаро майдонда ўз мавқеи ва тутган ўрни жиҳатидан катта эътибор ва нуфузга эга бўлдилар. Аҳмад Наср, Исмоил Сомоний, Алптакин, Маҳмуд Ғазнавий, Тўғрулбек, Султон Санжар, Отсиз, Такаш сингари тадбиркор ва узоқни кўра оладиган давлат арбоблари даврида Ўрта Осиёда ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишларга эришилди, давлат ҳокимияти мустаҳкамланди, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вужудга келди.

Тарихчи Абу Мансур ас-Саолобийнинг Сомонийлар Бухоросига берган таърифи бутун Ўрта Осиё давлатларининг IX-XIII асрлардаги аҳволига тегишлидир: "...шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари йиғилган (жой) эди". Ўрта Осиё хукмдорлари илм аҳли билан яқинлашдилар. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билими ва маслаҳатларидан фойдаландилар. Хукмдорларнинг аксарияти бу даврда ўз саройларида олим, шоир ва уста санъаткорлар, турли соҳалар бўйича қимматбаҳо китобларни тўплашга одатландилар. Саройга жалб этилган олим ва шоирлар, кутубхоналардаги нодир қўлёзма асарлар билан мағрурланардилар.

Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа, Басра ва бошқа катта шаҳарларда Ўрта Осиё ўлкаларидан бориб фан, маданият тараққиётига ўз хиссасини қўшган аждодларимиз бу даврга келиб кўпая борди.

Бағдод шаҳри Шарқнинг илм-фан маркази сифатида оламга танилди, чунки IX асрда бу ерда "Байт ул-ҳикма"- ("Донишмандлар уйи") Шарқнинг фанлар академияси ташкил этилди. Бунга монанд ҳолда X аср охирларида Хоразмда ҳам халифа Маъмун даврида (995-997-й.) "Донишмандлар уйи"- "Байт ул-ҳикма" - "Маъмун академияси" (Хоразм академияси) ташкил топди. Бу икки илм ўчоғларида Шарқнинг машхур ва маълум олиму-алломалари таҳсил кўрганлар. Булар орасида Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Бурхониддин Марғиноний каби қомусий билим соҳиблари ва буюк алломаларнинг илм-фаннинг турли-туман соҳаларидаги бебаҳо илмий ва маънавий мерослари тўла маънода дунёвий аҳамиятга моликдир.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Хоразм академиясини тиклаш ва уни ривожлантириш ҳақидаги 1997 йилда эълон қилган махсус Фармони ўша давр илм-фан тараққиётини тан олинишининг яна бир тимсолидир. Бу давр Ўрта Осиё халқларини дунё миқёсида машхур қилди. Чунки Ўрта Осиё халқларининг бу даврда қўлга киритган маданий ютуқлари, илм-фан соҳасидаги янгиликлари дунё маданияти, илм-фан ривожининг ажралмас халқасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу давр Ўрта Осиё халқлари тарихида уйғониш (ренессанс) даври деб қабул қилинди.

УЙҒОНИШ ДАВРИ ИЛМ-ФАН МУТАФАККИРЛАРИ

Юқорида ўрта асрларда бутун мусулмон оламида иккита Академия – бири Боғдодда, иккинчиси Хоразмда фаолият кўрсатгани, иккаласи ҳам Маъмун исми билан аталгани, бири халифа Маъмун, иккинчиси хоразмшоҳ Маъмун бўлганлиги, халифа Маъмун академияси Боғдодда, хоразмшоҳ Маъмун академияси Урганчда тузилган бўлса-да, иккала академиянинг ташкил этилиши ва фаолиятида асосан мавороуннахрлик қомусий билим эгалари – буюк аждодларимиз ўрин эгаллаганини таъкидлаб ўтган эдик. Бағдодда илмий ижод қилган ватандошларимиз яратган оламшумул ихтиро ва кашфиётлар башарий цивилизациянинг таркибий қисми бўлмиш Ислом Уйғонишига, шу тамаддун орқали Европа Уйғонишига сезиларли таъсир этган.

Хоразм Маъмун Академиясининг асосланиши ва унинг илмий фаолияти. X асрларга келиб Шарқда буюк давлатлар – Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар ҳукмрон давлат сифатида барқарор бўлган бир шароитда Хоразм ҳам қудратли ва мустақил давлат сифатида таркиб торган.

Ҳалифа ал-Маъмун “Байт ал-ҳикма”сининг шуҳрати тез орада халифаликнинг барча ерларига етади. IX аср охири X аср бошларида халифаликдан мустақилликка эришган ҳудудларнинг ҳукмдорлари анъана сифатида, ёки Маъмунга тақлид қилиб, ўз саройларида маърифат аҳлини тўплашга уринадилар. Лекин бу уринишларнинг кўпи муваффақиятсиз бўлиб чиқади. Фақат баъзи ҳолларда саройларда шоирлар ва муаррихлар тўпланиб, улар асосан маддоҳлик билан машғул бўлганлар.

Бу борада Хоразмнинг ҳукмдорлари – Хоразмшоҳлар алоҳида ўрин тутади. Хоразмда, унинг қадимий пойтахти Катда (ҳозирги Беруний) 305 йилдан то 995 йилгача африғийлар ҳукм суради. Лекин 712 йилдан бошлаб Хоразмнинг иккинчи қадимги шаҳри Гурганч араблар томонидан қўйилган амирнинг қароргоҳи вазифасини бажаради. Бу амирлар алоҳида Ироқийлар сулоласини ташкил қилди. Иккала сулола ҳам Хоразмшоҳларнинг қадимги одати бўйича ўз саройларида маслаҳатгўй сифатида исломгача зардуштийлик кохинларини, ислом даврида эса обрўли олимларни сақлаб турардилар.

995 йили Гурганч амири Маъмун I ибн Муҳаммад ибн Ироқ Африғийлар сулоласига барҳам беради ва пойтахтни Гурганчга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Афтидан, бу сулола алмашиниши Хоразмдаги сиёсий барқарорликка путур етказган кўринади, чунки баъзи олимлар, жумладан Ироқийларга хайрихоҳ бўлган Беруний ҳам Хоразмни тарк этишга мажбур бўладилар. 998 йили Маъмун I вафот этиб, Али ибн Маъмун тахтга ўтирганидан кейин Хоразмдаги сиёсий аҳвол барқарорлашади. Бироқ, унинг

отаси Гурганчга Хоразмнинг барча илмий салоҳиятини мужассамлаштиришга уринган. Лекин унинг вафоти бунга имкон бермади. Бу ишни унинг ўғли Али ибн Маъмун шараф билан бажарди.

Али ибн Маъмун ана шундай оғир сиёсий муҳитда доно ва зукко маслаҳатчиларга мухтож эди. Унинг бахтига тоғаси **Абу Наср ибн Ироқ** ўз даврининг ўта билимдон олими эди. У тириклигидаёқ “ўз даврининг Птолемейи” деган лақабни олганди. Ундан ташқари Абу Наср, Берунийни ўз хонадонида тарбиялаб, етиштирган. Ана шу икки сиймо туфайли Ироқийлар саройида илм аҳли учун идеал шароит яратилади. Бу икки шахс яқин ва ўрта шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмада эдилар. Бунинг устига X аср охирига келиб Сомонийлар сулоласига барҳам берилади. Ибн Ироқ ва Берунийнинг таклифлари билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх ва Бухородан ва ҳатто араб Ироқидан ҳам олимлар Гурганчга кела бошладилар. Шу тариқа Гурганчда **“Дорул хикма ва маориф”** номини олган илмий муассаса тўла шаклланади. Бу илмий муассасада худди Бағдоддаги “Байт ул-хикма”даги каби илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилади. Беруний келтирган маълумотларга кўра, бу муассасада сурён ва юнон тилларидан баъзи таржималар ҳам бажарилган.

Али ибн Маъмун вафотидан кейин (1009) унинг укаси Маъмун ибн Маъмун Хоразмшоҳлар тахтини эгаллайди. У Берунийни саройга яқинлаштиради ва ўзига энг яқин маслаҳатчи қилиб олади. Маъмун академияси фаолияти учун янада каттароқ имкониятлар очилади.

Марказий Осиё халқлари буюк тарихга эга. Айрим олимлар фикрларига кўра, бу ўлкада эрамиздан олдинги IX асрдан VII асргача шаҳарлар маданияти бетўхтов ривожлана бошлаган. VI-XII асрларда Марказий Осиёда ерга ишлов бериш, чорвачилик, боғбончилик соҳаларида катта ютуқларга эришилган. Айниқса IX-XII асрлар ушбу ўлка халқлари учун буюк юксалиш даври бўлган.

Хоразм ҳукмдорларининг фаол ҳатти-ҳаракатлари туфайли IX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмшоҳлар давлати вужудга келиб, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалиши ҳам айнан IX-XII асрларда юз берди.

X асрда Хоразм Сомонийлар давлати таркибига кирган. Лекин хоразмшоҳлар сулоласи Амударёнинг ўнг томонида ҳукумронликни давом эттирганлар, Сомонийлар эса Кўхна Урганчда қароргоҳга эга бўлиб, фақат Хоразмнинг чап қирғоғини идора қилдилар.

X аср охирида Қорахонийлар зарбалари остида Сомонийлар давлати қулагач, мамлакатни Африғийлар сулоласи вакили Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бошқара бошлади. У Кат (Ҳозирги Беруний шаҳрини ўзининг қароргоҳи деб

эълон қилди. Бу даврда Хоразмнинг чет давлатлар билан алоқалари янада кучайган эди. Турли соҳалардаги бундай муносабатлар мамлакат шимолий-ғарбида жойлашган Гурганч шахрининг юксалишига олиб келди. Хоразм амалда иккита мустақил давлатга бўлиниб кетди: Шимолий Хоразм пойтахти Кўхна Урганч бўлса, жанубий Хоразм ҳукмдори - хоразмшоҳ қороргоҳи Катда жойлашган эди. Бу иккала шаҳар ҳам Марказий Осиёдаги йирик савдо марказлари бўлган.

Маъмун ибн Муҳаммад (995-999), Али ибн Маъмун (999-1009)лар давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, унинг ҳарбий қудратини оширдилар. Энди қўшни мамлакатлар бўлган, Хуросонда яқинда ташкил топган Ғазна подшолиги, араб Халифалиги, Киев Руси ҳам уни тан олар эди. Хоразм бошқа давлатлар сиёсатига ҳам фаол иштирок этадиган бўлди. Ҳатто Киев князи Владимир ҳам ислом динига ўтиш истагини билдириб, Хоразмга ўз вакилларини юборганлиги ҳақида маълумотлар бор. Маъмунийлар мамлакат ҳудудини ҳам анча кенгайтиришга муваффоқ бўлдилар: Энди Хоразм Сирдарё, Каспий (Ҳазор) денгизи, Волгабўйи оралиқларини ўз ичига олган эди.

Чет давлатлар билан сиёсий, иқтисодий алоқаларнинг ўсиши, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланиши ўлкада илм-фан, маданиятнинг юксалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Хоразмликлар узок ўлкаларга бориб савдо қилишлари натижасида ўзга халқлар маданий ҳаёти билан танишишга эга бўлганлар. Хоразмда осойишталик ва тинчлик қўшни мамлакатлар олимлари, шоиру санъаткорларини ўзига тортар эди.

Илм-фанга қизиқиш, олимларга ҳомийлик қилиш истаги мусулмон ҳукмдорлари орасида азалдан мавжуд бўлиб, бу анъана ўрта асрларда айниқса кенг расм бўлган эди: араб халифалари **Мансур** (754-776), **Хорун ар-Рашид** (786-809) лар таржимонлик ишларига бошчилик қилган бўлсалар, **Маъмун ибн Рашид** (813-833) Бағдодда ўз саройига турли соҳаларда мукамал билимларга эга бўлган олимларни йиғиб, уларга ижодий фаолият учун зарур шароитлар яратиб беради. Олимларнинг бу уюшмаси “Маъмун академияси” номи билан машҳур. Хоразмлик қомусий аллома **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** (783-850) ҳам ушбу академиянинг кўзга кўринган аъзоси бўлиб, Бағдодда катта кутубхона бошқарувчиси эди.

Хоразмшоҳ **Али ибн Маъмун** ҳам билимдонлиги ва илмга бўлган қизиқиши билан машҳур эди. У ҳукумронлик қилган даврда Гурганч Шарқдаги энг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бирига айланди. Али ибн Маъмун саройига олиму-уламоларни йиғади, ижодий фаолият учун уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлайди.

Али Ибн Маъмун Гурганчада масжидлар, мадрасалар, касалхоналар курдирган. Шаҳар кўчаларида тозалик юқори даражада бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Зеро, ўша даврларда бунга жиддий эътибор билан қаралган. Йўлларга силлиқланган тошларнинг ётқизилиши, шаҳар ҳаётининг аъло даражада ташкил қилинганлиги IX-XII аср кўчаларининг алоҳида тартибли бўлишига олиб келган.

Демак, **Маъмун ибн Маъмун** академияси пойдевори унинг акаси Али ибн Маъмун давридаёқ қўйилган эди.

Маъмун ўз саройида олимлар билан илмий музокаралар ўтказиб турган. Улар турли соҳалар бўйича хилма-хил муаммоларга оид ўз фикрларини билдирганлар, бахслашганлар. Бундай илмий анжуман голибларига қимматбаҳо совғалар ҳадя қилинган, мурувват кўрсатилган.

Алломаларга **Беруний** бошчилик қилган бўлиб, хоразмшоҳнинг бош вазири, илм-фан ҳомийси **ас-Саҳрий** ҳам олимлар учун ҳақиқий ижодий муҳит яратишда ўз хизматларини аямаган. Алломалар кўхна Урганчнинг бой кутубхонасида мутолаа билан машғул бўлганлар, ўз шогирдлари билимларини чуқурлаштириб, тафаккурини кенгайтиб борганлар. Академия вакиллари нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ ва Ғарб мамлакатларида илм-фан юксалишига муносиб ҳисса қўшганлар. Улар Гурганч кўркига кўрк қўшиб, Мовароуннахр ва Хуросонда унинг нуфузи янада ошишига баҳоли қудрат хизмат қилганлар.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун академияси (“Мажлиси уламо”)да Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саид ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мискавайх, Абул Хайр Ҳаммор, Абу Мансур ас-Саолибий, Аҳмад Муҳаммад ас-Саҳрий, Абу Муҳаммад Ибн Хидр ал-Хўжандий, Зайнуддин Журжоний, Абулкарим Зирғалий, Абу Абдуллоҳ ал-Вазир, Абул Хасан Маъмун, Абу Муҳаммад Хоразмий, Абдуаввал ибн Абдусамадий, Абу Азоқ ибн Бахном, ал-Қосий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Абусаид Шабибий, Абу Абдулла ал-Бий ан-Найсабурий, ал-Хорожий, ал-Хамдакий, Аҳмад Маъсурий, Абу Муҳаммад Раккоший, Абу Абдуллоҳ Ибн Ҳомид Хоразмий, Абубакр Муҳаммад Хоразмий, Қамарий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайли ал-Хоразмий ва бошқа олимлар ижод қилганлар. Улар математика, астрономия, руҳият, ал-кимё, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, таълим-тарбия, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, уларнинг келажакда жаҳон миқёсидаги ривожига замин яратганлар.

Даҳо олим – буюк математик ва астроном **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** (783-850) қадимги Хоразм диёрида туғилиб, вояга етади. Ғоятда

Ўткир зеҳн эгаси ва ноёб қобилият соҳиби бўлган ал-Хоразмий ёшлик чоғидан бошлаб аниқ ва табиий фанларни ўрганишга кизиқди, араб, форс, ҳинд ва юнон тилларини эгаллади, бу тилларда ёзилган китобларни кунт билан ўқиб, мутолаа қилди. У дастлабки таълимни хусусий муаллимлардан олди ва сўнгра ўша даврнинг йирик маърифат марказларидан бири бўлган Марв мадрасасида ўқиди. Халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун халифалик тахтига ўтиргач (813 й.) Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийни ўзи билан бирга Бағдодга олиб кетади ва у ерда ташкил этилган "Байт ул-Ҳикма"га раис этиб тайинлади. Бағдодда у Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр олимлари билан ижод қилади.

Хоразмий математика, геометрия, астрономия, география, тарих илми ва бошқа фанлар соҳасида баркамол ижод қилди. Унинг **"Ал Жабр ва ал-муқобала"** ("Тенгламалар ва қаршилантириш"), **"Ҳисоб ал-Ҳинд"** ("Ҳинд ҳисоби"), **"Китаб сурат ал-ард"** ("Ер сурати ҳақида китоб"), **"Китаб ат-Тарих"** ("Тарих китоби"), **"Китаб ал-Амал Бил Устурлабат"** ("Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб") каби асарлари олимга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Хоразмий яратган 20 тадан ортиқ асардан бизнинг давримизгача фақат 10 тасигина етиб келган.

Ал-Хоразмий алгебранинг отасидир. Хоразмий ижоди меросида **"Алжабр ва ал-муқобала"** китобининг илмий аҳамияти ниҳоятда буюқдир. Бу китоби билан у **математика** тарихида биринчи бўлиб алгебра фанига асос солди. **"Ал-гебра"** атамаси ушбу китобнинг "ал-жабр" деб юритилган қисқача номининг айнан ифодасидир. Хоразмий номи эса математикада **"алгоритм"** атамаси шаклида ўз ифодасини топди. Унинг ушбу асари асрлар давомида авлодлар қўлида ер ўлчаш, ариқ чиқариш, бино қуриш, меросни тақсимлаш ва бошқа турли ҳисоб ва ўлчов ишларида дастурил амал бўлиб хизмат қилди. Хоразмийнинг бу рисоласи XII асрдаёқ Испанияда **лотин тилига** таржима қилинади ва қайта ишланади. Кейинчалик асрлар давомида Европа олимлари Хоразмий асарларини инглиз, олмон, фаранг, рус ва бошқа таржима қилиб, қайта-қайта ишлаб, уларга шарҳлар ва изоҳлар ёзиб, у асосда асарлар яратдилар. Дастлаб меросни тақсимлаш зарурати туфайли вужудга келган бу фан кейинчалик оламшумул аҳамият касб этади.

Хоразмийнинг иккинчи математик асари **"Алгоритмий ҳинд ҳисоби ҳақида"** ("Ҳисоб ал-ҳинд") китоби ҳам фан тарихида жуда муҳим аҳамият касб этган ва ҳамон шундай. Унинг бу арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси Европада, қолаверса, бутун дунё тараққиётига буюк ҳисса қўшди, алгебрани мустақил фан даражасига кўтарди.

Олимнинг **"Китоб ат-Тарих"** ("Тарих китоби")да Хуросон , Кичик Осиё ва Мовароуннахрнинг VIII-IX асрлар тарихига оид қисқа ва аниқ маълумотлар ўз ифодасини топган.

Хоразмийнинг **"Зиж"** ("Астрономик жадвал"), **"Қуёш соати ҳақида рисола"** асарлари **фалакиётшунослик** фанининг ривожланиш тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Ал-Хоразмийнинг **"Китоб сурат ал-ард"** номли **жуғрофияга** оид асарида 637 та муҳим жойлар, 209 та тоғнинг жуғрофий тафсилоти берилган, дарёлар, денгизлар ва океанлар ҳавзасининг шакли, уларда жойлашган оролларнинг муҳим координаталари билан баён қилинган. Милодий 827 йили ал-Хоразмий раҳбарлигида Ер қуррасининг катталигини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди. Унинг узунлиги 112 километрга тенг қилиб олинган. Бу натижа аниқдир. (Ғофуров И. Бизким, ўзбеклар. Т., 2002 й. – б. 132)

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Носир ал-Фарғоний 797-865 йилларида яшаб ижод қилган ватандошимиздир. Аҳмад Фарғоний ўз асарлари билан фан тарихида катта из қолдирди. У математика, география, астрономия, тарих соҳаларида ижод қилди. Аҳмад Фарғонийнинг ижодий фаолияти Бағдодда улуғ мутаффакир олим Ал-Хоразмий раҳбарлигидаги "Байт ул-Ҳикма" билан боғлиқдир. Шунини таъкидлаш керакки, 828 йилда Бағдодда 1-чи расадхона ишга туширилганда, уни марвлик фалакшунос олим Яхё ибн Абу Мансур бошқарган. 3 йил ўтгач Дамашқда ана шундай иккинчи расадхона барпо қилинди ва унга Марказий Осиёлик аллома Холид ибн Абдумалик Марварудий раҳбарлик қилди. Қизиғи шундаки ҳар иккала-расадхонани ҳам Ал-Маъмун илтимосига кўра лойиҳасини ва барча андозаларини қоғозга тушириш Аҳмад Фарғонийга юклатилган бўлиб, ушбу расадхоналарнинг вазифалари, ишлари, режалари ҳамда илмий натижаларини текшириб фанга киритиш ҳам илмий раҳбар Аҳмад Фарғонийнинг зиммасига тушди. Шунингдек, Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва ўрнини аниқлаш, янгича зиж (астрономик жадвал) яратиш ишларига раҳбарлик қилди.

У 812 йилда қуёш тутилишини олдиндан башорат қилиб берди, ернинг думалоқ эканлигини илмий далиллар билан исботлаб, бир хил фазо ёритгичларни ҳар хил вақтда кўрилишини, тутилишини ҳамма жойда ҳар хил кузатиш мумкинлигини изоҳлаб берди.

У араб атамашунослигини пайдо бўлиши ва илмий тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

832-833-йилларда Суриянинг шимолида Синжор даштида ва ар-Раққа оралиғида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда қатнашди.

861-йилда Ал-Фарғоний раҳбарлигида Нил дарёси соҳилида қурилган қадимги гидрометр - дарё оқими сатҳини ўлчайдиган "Миқёс ан-Нил" иншооти ва унинг даражоти қайта тикланди. Бу буюк аждодимиз яратган Нил дарёси суви сатҳининг кўтарилиш ва пасайиш даражасини ўлчайдиган асбоб – "Миқёс-ан-Нил" ва бу асбоб бошқариладиган сув иншооти мана орадан 11 асрча вақт ўтибдики, ҳамон ҳаммани қойил қолдириб келмоқда. Бугунги кунда Мисрга қадам ранжида қилган, узоқ-яқиндан борган сайёҳларни ҳам таажжубга солмоқда. Ваҳоланки, бундай қурилма ва иншоотлар азалдан суғорма деҳқончилик маданияти раванқ топган Мовароуннаҳрда одатдаги оддий нарсалар эди.

Ал-Фарғонийнинг "Астрономия асослари номли китоби бир неча асрлар давомида Еврора университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида фойдаланилди.

Бизнинг давримизгача Аҳмад Фарғонийнинг саккиз асари сақланган бўлиб, улар орасида "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум" китоби ҳам бордир. Бу китоб XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, нафақат мусулмон Шарқидаги, балки Еврора мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожини бошлаб берди.

Аҳмад Фарғонийнинг илмий мероси дунёга маълум ва машҳурдир. "Китоб фи усул илм ан-Нужум" ("Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб"), "Фалакиёт рисоласи", "Фалак асарлари сабабияти", "Ал-Мажистий", "Илми-хайя", "Ал Фарғоний жадваллари", "Устурлоб билан амал қилиш ҳақида", "Ой ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи", "Етти иқлим ҳисоби", "Устурлоб яшаш ҳақида китоб" асарларининг қўлёзмалари Англия, Франция, Германия, Миср, Ҳиндистон, АҚШ ва Россияда сақланмоқда. Аҳмад Фарғонийнинг бу асарларидаги илмий кашфиётлари бутун жаҳон фани ва маданиятига улкан ва муносиб ҳисса қўшди.

Аҳмад Фарғоний яратган илмий кашфиётлар натижалари қайси фан соҳасида бўлишидан қатъий назар ғоятда пишиқ, пухта ва ниҳоятда мукамал бўлган. XII асрдаёқ олимнинг асарлари лотин тилига таржима қилинганлиги ва Европага тарқалганлиги бу фикрнинг исботидир. Европаликлар Аҳмад Фарғонийни "Ал Фраганус" деб атаганлар. Унинг асарларини лотин, немис, инглиз, француз, рус ва бошқа тилларга таржима қилганлар. Аҳмад Фарғонийга араб илмий дунёсида «Ҳосиб» лақаби берилган яъни, уни математика соҳасида тенги йўқлиги тан олинган.

Мустақил Ўзбекистон заминида бу аллома номини эъзозлаб, 1998 йилда бу зоти шариф таваллудининг 1200 йиллигини катта шодиёна сифатида нишонлаганимиз тарихий ҳақиқатнинг тикланганлиги бўлди.

Фарғона шахрида Ал-Фарғоний номи билан боғ яратилди ва буюк алломага хайкал ўрнатилди. «Аҳмад Фарғоний, - деб таъкидлаганди И.А.Каримов аллома юбилейи тантаналарида сўзлаган нутқида, - кишилиқ тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намояндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фани асосчиларидан эди. Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилди»¹.

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Форобий 873-йилда Фороб (Ўтрор) яқинидаги Васиж шаҳарчасида таваллуд топган ва 951-йилда Дамашқда вафот этган.

Ўрта Осиёнинг йирик қомусий олимларидан бири, Шарқ уйғониш даврининг энг кўзга кўринган арбоби, Шарқ фалсафасининг отаси Форобий аввал Фороб, Бухоро ва Самарқандда билим олди ва турли тилларни ўрганди. Бағдодга келгач фаннинг турли соҳалари бўйича билимларини чуқурлаштиришда давом этди. У илмий даражасини оширгач, фаннинг деярли барча соҳаларини эгаллаб, 160 дан ортиқ асар ёзди. Форобийнинг риёзиёт, фалакиёт, табобат, мусиқа, фалсафа, тилшунослик ва адабиётга оид асарлари бутун оламга машхур бўлди. У ёзган "Аристотелнинг "Метафизика" асари мақсадлари ҳақида", "Тирик мавжудот аъзолари ҳақида", "Мусиқа китоби", "Бахт-саодатга эришув ҳақида", "Сиёсат ал Мадания" ("Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш"), "Фозил одамлар шахри", "Масалалар моҳияти", "Қонунлар ҳақида китоб", "Тафаккур юргизиш мазмуни ҳақида", "Мантикқа кириш ҳақида китоб", "Фалсафанинг моҳияти ҳақида китоб" ва бошқа асарлар буюк олимнинг илм ва дунёқараш доирасининг беқиёс даражада кенглиги ва чуқурлигидан далолат беради. Шунингдек, Форобийнинг «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи», «Фалсафага изоҳлар», «Катталарнинг ақли ҳақида сўз», «Жон (рух) нинг моҳияти ҳақида рисола», «Инсон аъзолари ҳақида рисола» «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Хаттотлик ҳақида китоб», «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Уруш ва тинч турмуш» сингари асарлари аллома қизиқиш доираси, маънавий оламнинг нечоғлик кенглиги, беҳудудлигидан нишона бериб туради. Шу боисдан бўлса керак, дунё олимлари ҳамма замонларда ҳам улуғ ватандошимиз илмий меросига катта ҳурмат, қизиқиш билдириб, унинг илмий мероси сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб келадилар.

Форобий фаннинг назарий ва фалсафий томонларини ёритишга ҳаракат қилган. У Платон, Аристотелнинг барча фалсафий, табиий, илмий асарларига, Птолемейнинг осмон жисмлари ҳаракати, Александр

¹ О'ае= п'ысә, 1998 ёеә 25 îèðуáð

Афродийнинг руҳ ҳақидаги психологиясига оид, Галеннинг тиббиёт бўйича асарлари, Эпикур, Зенон, Евклид рисоаларига тақриз ва шарҳлар ёзди. Агар илм-фан ривожига ўзининг қўшган буюк хизматлари учун Аристотел **"Биринчи муаллим"** унвонига сазовор бўлса, Форобий донишмандлиги, Аристотелни яхши билганлиги, қомусий ақли ва илм-фан тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун **"Ал-муаллим ас-Соний"** - **"Иккинчи муаллим"**, **"Шарқ Аристотели"** деган мўътабар унвон олди.

Форобийнинг **"Инсон танасининг аъзолари ҳақида"**ги рисоласи **тиббиёт** илмининг мақсад ва вазифаларини аниқлашга бағишланган. **"Астрологиянинг тўғри ва нотўғри қоидалари ҳақида"**ги рисоласида **астрологларнинг** руҳий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни осмоний жисмлар ҳақидаги илмий тахминларига асосланган фаолиятини, ёлғон тасаввурлар ва уйдирмалардан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди.

Олимнинг кўп жилдли **"Муסיқа ҳақида катта китоб"** асари **муסיқа** илмининг катта билимдони, созанда ва ажойиб бастакор ҳамда янги муסיқа асбобининг ихтирочиси ҳам бўлган. У бу асари билан шарқдаги биринчи Уйғониш даврининг йирик муסיқашуноси сифатида машҳур бўлган.

Форобий муסיқа илмини назарий ва амалий тармоқларга, куйларнинг ички тузилиши, қонуниятларини ҳисобга олиб, таълиф ва илми иқога ажратган. Бу асарида, шунингдек, умуман Шарқда, хусусан ўзбек халқида қўлланилган ва ҳамон қўлланилаётган рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби чолғулар ва уларнинг куй ижро этиш қоидалари батафсил баён этилган. Олимнинг ўзи айни чоғда моҳир созанда, мусанниф, яъни бастакор, янги муסיқа чолғуларининг, жумладан, қонун чолғусининг ихтирочиси ҳам бўлган. Анча танаффусдан кейин қонун чолғусини ўзбек созандалари яна қўлга олдилар, эндиликда бу чолғуда мақом ва халқ куйларимиз, бастакорларимиз яратган янги муסיқий асарлари ижро этилмоқда.

Форобий муסיқага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита деб қараган. Унинг муסיқа соҳасида қолдирган мероси умуман жаҳон муסיқа маданияти тарихида, хусусан, ўзбек муסיқа маданияти тарихи оламшумул аҳамиятга эга. Бинобарин, қадимий ўзбек муסיқасининг, жумладан мақомларимиз ва мақомшунослигимизнинг теран негизлари ал-Форобий қолдирган ўша бой хазинага бориб туташади ва ундан озикланади.

Ўрта аср фанининг ривожига ва тараққиётида Форобийнинг илм таснифи бўйича олиб борган илмий ижодий ишлари ғоятда қимматлидир. У **"Илмларни келиб чиқиши ҳақида"**, **"Исмларнинг таснифи ҳақида"** ва бошқа рисоаларида ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин илм соҳасининг тартиби, таснифи ва тафсилотини беради.

Бугина эмас, бу буюк аждодимиз мантиқ, тилшунослик, ахлоқ, давлатни бошқариш, таълим-тарбия, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш каби ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам бой илмий мерос қолдирган. Айрим маълумотларга қараганда, ал-Фаробий 70 дан ортиқ тилни билган ва кўпгина тиллардаги энг муҳим асарларни аслиятда мутолаа қилган. У билим олишда диний ва лисоний тўсиқ бўлишини тан олмаган, мусовий ва исовий динларга эътиқод қилувчи олимлар билан олимларча дўстона муносабатда бўлган ва ҳамкорлик қилаверган. Унинг фикрича, маърифатли бўлишдан мақсад маънавий етукликка эришмоқдир.

Фаробийнинг илмий - фалсафий мероси халқимизнинг буюк маънавий бойлиги сифатида асрлар оша авлодлар учун муҳим ижод манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда ва Қозоғистонда фаробийшунослик йўналиши юзага келди. Республикамиз мустақилликка эришгач, қомусий олимнинг асарларини ўзбек тилида чоп этишга киришилди, унинг бой мероси холисона, тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари асосида ёритила бошланди. Ўзбекистонда ва Қозоғистонда Олий ўқув юртлири, кўчалар унинг номи билан аталади

Ренессанс даврининг кўзга кўринган тарихчиларидан бири **Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899-959)** Бухоро яқинидаги Наршах (ҳозирги Вобкент туманида) қишлоғида 899-йилда таваллуд топган. Наршахийнинг илмий асарлари тўғрисида маълумотлар жуда кам. Наршахий Бухоро тарихи асарларини муфассал ёзган алломадир. Унинг фақат "**Тарихи Бухоро**" ("Бухоро тарихи") асари бизгача етиб келган. Ўз асарига Наршахий қандай ном берганлиги ҳақида маълумот йўқ. Асар қўлёзма нусхаларда ва ҳозирги замон илмий тарихий адабиётларда "Тарихи Наршахий", "Таҳқиқ ул-Вилоят" ("Вилоят ҳақиқатини аниқлаш"), "Ахбор ул Бухоро" ("Бухоро ҳақида хабарлар") каби номлар билан аталиб келинган. Асарнинг турли номлар билан аталишига ҳам сабаблар бор. Бу асарнинг Наршахий томонидан ёзилган дастлабки асл нусхаси сақланиб қолмаган. Унинг сўз бошида ёзилишича, унинг бизгача етиб келган қисми 1128 йилда Қува шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Насрал-Қубовий араб тилидан форс тилига қисқартириб таржима қилган нусхасидир. Ундан кейинги йилларда ҳам Наршахийнинг асари бир неча таҳрирларга учраган, баъзи матнлари қисқартирилган ва сўнгги воқеалар асосида тўлдирилган. Абу Наср Аҳмад Қубавий асар матнини қисқартириш билан чегараланмай, балки Табарий, Абу Ҳасан Нишопурийнинг "Ҳазоикул- улум", Иброҳимнинг "Ахбар-и Муқанна" каби асарларидан фойдаланиб, уни тўлдиради. Ана шу тариқа, Бухоро тарихига Наршахий

яшаб ўтган даврдан кейинги, 1178-1179-йиллардан 1220-йилларга қадар бўлиб ўтган тарихий воқеалар кириб қолган. Китобга 1939 йилда Техронда олинган нусхаси асосида қўшимчалар киритилган.

"Бухоро тарихи" асари ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳозирги кунда Сомонийлар даври тарихи бўйича энг ноёб, қимматли асар ҳисобланади. Асарда Сомонийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётига оид маълумотлар келтирилган. Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг араб босқинчиларига қарши Муқанна бошчилигидаги кўзғолони билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳам бу асарда маълум даражада ўз ифодасини топган. Наршахий сарой тарихчиси бўлганлиги сабабли ҳукмрон табақа сиёсатини ёқлаб, халқнинг ҳокимиятга чиқишини қоралаган.

Шу даврда ижод қилган алломалардан бири **ат-Табарийдир**. Табарийнинг машҳур асари "Тарихи ал-Расул вал-мулк" (Пайғамбарлар ва мамлакатлар тарихи) ёки "Таворихи ат-Табари" деб аталади.

Табарийнинг бу асарини 963 йилда Балъами қайта ишлаб форс тилига таржима қилди. Ат-Табарий ўз асарини ёзишда ўзидан аввал ўтган Абул Ҳасан али ибн-Муҳаммад ал-Маданий асаридан кенг фойдаланган. Ат-Табарий араб тарихчиларидан биринчи бўлиб тарихий воқеаларни аниқ тарихий далиллар билан ёза бошлаган.

Абу Наср Мансур Али Ибн Ироқ (Ароқ) - Берунийга устозлик қилган буюк математик, астроном. У ҳақда атоқли математик, шоир ва астроном Умар Хайём "Математика билан шуғулланганлар ичида энг улуғи", - деган эди. Ибн Ироқнинг "Подшо ал-Магести", "Ислоҳ китоб Манамус", "Геометриядан саволларга жавоб" ва бошқа асарлари маълум.

Абу Сахл Исо Ибн Яҳё Ал-Журжоний Ал-Масихий - Маъмун академиясида фалсафа, руҳшунослик, тиббиёт, ахлоқ масалалари билан шуғулланган буюк аллома. Ҳаёти ва илмий ижоди давомида кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлаган Масихийнинг "Умумий тиббиёт китоби", "Рух ҳақидаги китоб", "Тиббиётга доир юз масала" асарлари маълум.

Абу Али Аҳмад Ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб Ибн Мискавайх (Машкуя) - атоқли тарихчи, маърифатрарвар, мусулмон мамлакатларининг тадқиқ қилган алломанинг "Халқларнинг тажрибалари ҳақида китоб" асарида қимматли тарихий маълумотлар мужассамлашган. "Жовидони Хирад" рисоласида эса унинг маърифий-ахлоқий қарашлари акс эттирилган.

Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ас-Саолибий - тарих, адабиёт, мантиқ, тилшунослик бўйича қомусий билимлар соҳиби, академиянинг энг сермахсул ижодкорларидан. Кишилар ахлоқи, сўзлашиш одоби муаммоларига оид кўрлаб асарлар муаллифи бўлган аллома бизга бой мерос қолдирган. Саолибий "Аср аҳллариининг фозиллари ҳақида

замонасининг дурдонаси”, “Афзал хулқлар”, “Тил қонунлари ва араб тили сирлари”, “Ажойиб маълумотлар” ва бошқа асарлар муаллифидир.

Абу Убайд Жузжоний - ҳаким ибн Сино шогирди, фалсафа, тиббиёт, фикҳ соҳалари билан шуғулланган. Жузжоний устози меросини сақлаш борасида айниқса фидойилик намунасини кўрсатди. Унинг машҳур асари “Олимлар бошлиғи (Ибн Сино)нинг таржимаи ҳоли”дир. Жузжоний устози асарларини кунт билан ўрганишдан ташқари жарроҳлик операцияларида ҳам иштирок этган. Тиббиётга доир “Шоҳлар табобати”, “Табобатлик мақсади”, “Хоразмшоҳлар хазинаси”, “Табобат соҳасидаги эсталик” асарлари унинг қаламига мансубдир. Улардан энг йириги 12 жилдлик “Хоразмшоҳлар хазинаси” эди. Бу асарлар бизгача етиб келмасда, ўз даврида тиббиёт фани тараққиётига катта ҳисса қўшганига гумон йўқ. Аллома устози Ибн Синонинг “Ал-Қонун” асарини қисқартириб, уни ихчамлаштирганлиги натижасида олимлар ундан кенгроқ фойдалана олганлар.

Биз ўрганаётган давр IX-XII аср фан ва маданиятининг равнақини **Абу Райҳон Беруний**сиз (973-1048-й.) тасаввур қилиш мумкин эмас. У ўз замонасининг барча фанлари - физика, математика, астрономия, геодезия, тарих, география ва бир неча бошқа фанларни пухта эгаллаган олим бўлган. У 362 ҳижрий йили (973-й.) Хоразмнинг қадимги Кат шаҳрида туғилди. Ўша даврда Кат шаҳри Хоразмшоҳлар - Африғийлар сулоласининг пойтахти бўлиб, Ўрта Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа давлатлари билан боғлаб турувчи савдо ва маданий марказларидан бири эди. Афсуски, Берунийнинг замондоши Ибн Синоникига ўхшаган таржимайи ҳоли бизгача етиб келмаган. Шунинг учун у бошланғич таълимини кимдан, қачон олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо, бир нарса аниқки, у ёшлигиданоқ илм-фанга жуда ҳам қизиққан, қобилиятли, меҳнаткаш бўлган. Марказий Осиёнинг машҳур олимларидан Абдулкарим ас-Самъоний (1165 йилда ўлган) “Китоб ал-ансоб” (“Насаблар китоби”) номли асарида бундай деб ёзади: “Беруний деган нисба Хоразмнинг ташқари қисмига оиддир. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай одамни “фалончи беруний” дейдилар. Мунажжим Абу Райҳон шундай нисба билан машҳурдир”.

У ўз замонасининг машҳур олими Абу Наср ибн Ироқ кўлида таълим олади. Абу Наср ибн Ироқ астрономия, геометрия ва математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишлайди. У Берунийни Евклид геометрияси ва Птолемейнинг астрономик таълимоти билан таништиради.

Абу Наср Мансур ибн Ироқ ўзининг илмий асарларидан бирида ёзишича, Беруний Хоразмда яшаган даврда ҳали жуда ёш олим бўлишига

карамай, 384-385 (милодий 994-995) йиллари Кат шахрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этади. Лекин у фақат Жайхун (Амударё)нинг чап қирғоғида Хоразм шахридан жанубда жойлашган қандайдир бир қишлоқ учун энг узок ва энг юқори эклиптика нуқтасини ва азимутсиз эклиптикани аниқлашга муяссар бўлган, холос.

995-997-йилларда Беруний Хоразмда давлат тўнтариши бўлганлиги учун Райга кетади ва у ерда Махмуд ал-Хўжандий билан танишади. Беруний Райдан Журжонга 1000 йиллардан кейин келади. Ёқут Ҳамавий Берунийнинг Журжондаги ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар қолдирган. У олимнинг ҳамма қўлёзма асарлари билан танишиб чиққанини ҳикоя қилади. Ёқутнинг ёзишича, Қобус Вашмгир Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилган, лекин олим бунга рози бўлмаган.

Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун II ибн Маъмун Берунийни ўз саройига чақиртириб, уни олим сифатида иззат-икром қилади. Берунийнинг Маъмун академиясида мударрис ва Маъмун ибн Маъмуннинг сиёсий маслаҳатчиси бўлганлигини юқорида айтиб ўтгандик.

Беруний Урганчда яшаган даврда Ибн Сино билан ёзишма олиб борган. Бизгача уларнинг савол-жавобларидан 18 таси етиб келган. Бу савол-жавобларнинг 10 таси Аристотел фалсафасига, 8 таси эса физикадан берилгандир. Бу ёзишмалар Берунийнинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан қанчалик қизиққанлигидан далолат беради. Савол-жавобларнинг мазмунида Аристотелнинг ақл билан ҳис этиш орқали чиқарган хулосаларига Беруний ўзининг кузатиш ва тажриба орқали аниқлаган хулосаларини қарши қўйган. Ибн Сино эса Аристотелни ҳимоя қилгани маълум бўлади.

Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири, қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари акс эттирилган маҳсул асар ёзмаган бўлсада, олимнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Геодезия” каби асарларида инсон ва жамиятнинг пайдо бўлиши, давлатни бошқариш сиёсати, ижтимоий адолат, жамоа фаолияти, меҳнат тақсимооти ва пул муомаласи, оила ва никоҳ муносабатлари масалаларини сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан баён этишга ҳаракат қилган.

Беруний 22 ёшида ўзи туғилиб ўсган ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади ва аввал Райга, кейин Журжонга келади. Бу ерда машҳур табиб, астроном, файласуф **Абу Сахл Исо ал-Масихий** билан танишади ва ундан таълим олади. Беруний ўзининг машҳур асарларидан бири бўлмиш “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини Журжонда ёза бошлаган.

Беруний инсон ва жамиятнинг пайдо бўлиши масаласига тўхталиб, “Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир”, - дейди. Беруний кишилик жамияти пайдо бўлиши ҳақида фикр юритар экан, инсонлар ўртасида тафовутлар бўлса-да, кишиларнинг ички тузилиши барчада умумийдир, деган хулосага келади.

Абу Райҳон эътибор берган тушунчалардан бири ижтимоий адолатдир. Мутафаккир ижтимоий-адолатни мол-мулкка бўлган муносабат, инсон кадр-киммати, мол айирбошлаш ва савдо-сотик, пул муомаласи, сиёсат ва тарбия, қонунларга бўйсунуш, давлатни адолатли қонунлар асосида бошқариш масалалари билан боғлиқ ҳолда баён этади.

У жамиятдаги ахлоқсизликнинг энг ёмон кўриниши зўравонлик ва ўғирлик, - деб бундай тоифадаги кишиларни жазолаш ва қайта тарбиялаш йўллари кўрсатадики, бу олимнинг инсонрарвар қонуншунос эканлигини тасдиқлайди: “Ўғирликка келсак - ўғирланган нарсанинг миқдорига қараб жазо берилади. Баъзан зўр даражада ва ўрта даражада халқларга ибрат бўладиган жазо бериб, гоҳо қийнаш ва тавон тўлатишга, гоҳо халқ ўртасида чиқариб ошқора қилиш билан тўхтатилади”.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 1017-йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олади ва Берунийни ҳам Хоразмшоҳ саройидаги бир қанча олимлар қатори Ғазна шаҳрига олиб кетади. Беруний Ғазна шаҳрида 1017 йилдан то 1048 йилгача ҳаёт кечиргани маълум. Бу йиллар Беруний ҳаётида ўзига хос давр бўлади. Бир томондан ғурбатда яшаган бўлса, иккинчи томондан илмий фаолиятда жуда ҳам маҳсулдор даври бўлади. Беруний фаолиятини ўрганувчи олимларнинг фикрича, бундай ҳол, яъни давлат ишларига аралашмаган, сиёсий фаолиятдан четлашган олим ўзининг бутун бўш вақтини илмий-тадқиқот ишларига сарфлайди. У бу ерда “Хоразмнинг машҳур кишилари” ва “Таҳдид ниҳоёт ал-амокин ли таших масофот ал-масокин” (“Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охириги чегараларини аниқлаш”) асарлари шу даврда ёзилган.

Берунийнинг бизгача етиб келган муҳим асарларидан бири **“Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”** кўлөзмаси ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. У ҳам 1029 йилда Ғазнада ёзилган. Асар бизгача форс ва араб тилларида етиб келган.

Беруний табиат фанларининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган олимдир. У ўзининг илмий асарларида дунёнинг тузилиши ҳақида фикр юритганда Птолемей фикрига суянса ҳам, амалда ернинг ҳаракати ҳақида Птолемей тартибига зид келувчи фикрларни баён қилади. У **“Геодезия”** асарида геоцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи назарияларнинг тўғрилигига шубҳа

билан қараганлигини очикдан-очик баён этади. Бу билан у дунёнинг **гелиоцентристик** тузилиши ҳақидаги назарияни ишлашига ҳисса қўшганлардан бири ҳисобланади.

Беруний ўз даврининг катта математиги ҳам бўлган. У **математика** масалаларига бағишланган асарларида геометрия, арифметика, алгебра, сонлар назарияси, тригонометрия тушунчаларини маълум тартиб билан таърифлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг кўпчилиги Берунийни тригонометрия фанининг ривожига қўшган ҳиссасини жуда ҳам юксак баҳолашади. Улар Берунийнинг тригонометриянинг математикада мустақил фан сифатида қараган олим сифатида кўрсатмоқдалар.

У ўз она тили хоразм тилидан ташқари яна бир қанча тилларни-сўғдий, форс, ҳинд, юнон ва қадимги яҳудий тилларни ҳам ўрганган. У Ҳиндистонда бўлар экан, тез орада нафақат Ҳиндистон тарихи, маданияти, ҳатто санскрит тилини ҳам ўрганади. Хоразмдаги Маъмун академиясининг энг кўзга кўринган фаол иштирокчиларидан бирига айланади.

Беруний 1030-йилда "**Ҳиндистон**" ("Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъкула мақбула фи-л-ақл ав марзула" ("Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш")) номи билан машҳур бўлган энг йирик асарини ёзади. Бу асар жуда катта аҳамиятга эга бўлган асар бўлиб, бу ҳақда жуда кўп ғарб ва шарқ олимлари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Берунийнинг бу асари устида 20 йил иш олиб борган Б.Захау унинг арабча танқидий тексти билан инглизча таржимасини 1888- йилда Лондонда нашр эттиради. Ана шу олим "ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган бирор олим на ундан олдин ва на ундан кейин бўлганлигини билмаймиз"-деган эди. Йирик арабшунос олим Р.Розен "Ҳиндистон" асари қадимги ва ўрта аср ғарб ва шарқ адабиётида "мисли кўрилмаган"-деб баҳолайди. Ҳинд олимларидан Ҳамид Ризо эса "Ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири Ҳинд маданиятининг чигал масалаларини илмий руҳда тушуниш бўйича Абу Райхон Беруний эришган ютуқларига эриша олмади. Берунийнинг "Ҳиндистон" асари классик намуна бўлиб қолиши билан бирга ўз муаллифининг қадимги ҳинд маданияти ва фанига тортиғидир,"-деган эди.

"Ҳиндистон" асари ёзиб тугатилган йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этади. Ўз ўрнига кичик ўғли Муҳаммадни ворисликка тайинлаганди. Лекин бир неча ойдан кейин унинг катта ўғли Масъуд (1030-1041) укасини тахтдан ағдариб, давлатни ўз қўлига олади. Масъуд даврида Берунийнинг аҳволи анча яхшиланади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, Масъуд астрономияга қизиққан ва илмий кузатишларга алоҳида эътибор билан қараган. Беруний

Масъудга араб тилини яхши ўрганиб олишга ёрдам беради. Масъуд ҳам олимни ўз химоясига олиб, инъом ва ҳадялар билан тақдирланган.

Беруний “**Масъуд қонуни**” асарининг муқаддимасида шундай ёзади: “...у [Масъуд] умримнинг қолган қисмида илмга хизмат қилишим учун очик юз билан имконият берди, чунки у менга зийнат либосини кийгизиб иноят кўрсатди. Абадий соясида осойишталик ёрқичини устига солди ва инъом булутларини ёғдирди. Шулар билан бирга мени ўзига яқин тутди, кетма-кет суҳбатига чақириб, яхши қабул этди”.

“Қонуни Масъудий” Абу Райҳон Берунийнинг энг йирик астрономик асаридир. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, бу асар астрономия ва математика соҳасида илгари ёзилган барча асарлардан устун бўлган. Ибн ал-Қифтий, Абу-л-Фидо каби машҳур олимлар Беруний асарини биринчи ўринга қўйганлар. “Қонуни Масъудий” Берунийнинг “Тафҳим” ва “Ҳиндистон” асарларидан кейин 1037 йилда ёзилган.

У ўзининг фалакиётга оид асарларида Коперникдан қарийб беш аср муқаддам Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фикрни ўрта асрларда биринчи бўлиб илгари сурди. Беруний ернинг думалоқ шаклда эканлигини асослаб берди. У 1029 та юлдузнинг координатлари ва юлдуз катталиклари қайд этилган юлдузлар жадвалини ва дунёнинг географик картасини тузган.

Абу Райҳон Берунийнинг илмий фаолияти бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг кўплаб асарлари бизгача етиб келган ва олимларимиз томонидан илмий жиҳатдан таҳлил қилинмоқда.

Берунийнинг илмий ва фалсафий катта мероси шубҳасиз жаҳон фани ва маданияти хазинасига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Ўзбекистон шаҳарлари, Шарқшунослик институти, Техника университети Беруний номига қўйилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилган.

Тиббиёт илмининг даҳоси **Абу Али ибн Сино** (980-1037) Бухоро яқинида жойлашган Афшона қишлоғида таваллуд топган. Отаси зиёли, ўқиган. билимдон киши бўлиб асли Балхдан бўлган. Ибн Сино ўша давр зиёлилар оиласида ҳукм сурган турмуш тарзи тизими бўйича Қуръони Каримни ёшлик чоғидан ёд ола бошлайди. Бу билан кифояланиб қолмасдан отаси унга фалсафа, ҳинд ҳисоби каби соҳаларни ҳам ўқита бошлайди. Ҳатто Абу Абдуллоҳ ан-Нашали деган кишини ўғлига мураббий қилиб олади. У ўспиринлик йилларида, 16 ёшида шунчалик чуқур шуғулланганки, ҳатто бирон-бир кеча ҳам тўйиб ухламаган экан. Фан асослари билан бундай шуғулланиш, кўп вақтлар давомида амалга оширган машаққатли меҳнат тез орада ўз самарасини беради, у 17 ёшидаёқ олим сифатида шаклланиб, табиб

деган ном чиқара бошлайди. Мукофот сифатида сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига сазовор бўлади.

Биз кўриб чиқаётган давр сиёсий тарихи ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу вақтда икки сулола (Қорахонийлар ва Сомонийлар) тарих саҳнасида хукмронлик учун кураш олиб бормоқда эди. Мамлакатдаги бундай беқарорлик фан арбобларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Ибн Сино ҳам ўша даврда Хоразмда фан ва маданият хомийси сифатида ном чиқарган Маъмун (999-1016) саройига боради. У ерда ўша давр машҳур олим, файласуфлари Абусахл Масихий, табиб Абул Хайир Хоммар, комусий олим сифатида бутун дунёда тан олинган Абу Райҳон Беруний ва бошқа машҳур олимлар бор эдилар. Аммо олимнинг тинч ижоди бу ерда ҳам кўпга чўзилмайди. Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий эгаллагач у Ҳамадонга жўнайди. Ўша даврда Ҳамадон хукмдори Шамс ад-Давла деган киши бўлиб, у касал бўлиб қолади. Ибн Сино Бухоро амирини даволаганидек уни ҳам тузатиб юборади ва эвазига вазир этиб тайёрланади. Ўша даврда ҳам сарой фиску-фасод, исёнлар уяси эди. Ана шундай фиску-фасодлар туфайли у зиндонга ташланади. Исфахон хукмдори Алоуддавла Ҳамадонни босиб олгач, у зиндондан озод қилинади.

Ибн Синонинг замондоши, унинг шогирди Журжонийнинг ёзишича у жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлган. Бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, юқорида қайд қилганимиздек, кечалари ухламасдан узлуксиз ишлаш ва таъқиб остига олишлар олимнинг саломатлигига таъсир кўрсатади ва у 428 хижрий йилнинг рамазон ойида, 1037 йилнинг июн ойида 57 ёшида вафот этади.

Абу Алининг илмий қизиқишлари доираси шу қадар кенг бўлганки, унинг 40 дан зиёд тиббиётга, 30 га яқин астрономия ва табиатшунослик фанларига, 185 та фалсафа, мантиқ ва илоҳиётга бағишланган асарлар яратгани маълум.

Ибн Сино ҳақиқий энциклопедик олим бўлиб, ўз даврининг деярли барча фанлари билан муваффақиятли равишда шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд қилинган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган. Бироқ Қохиралик араб олими Шох ота Канавотийнинг «Ибн Сино таърифлари» асарида эса Ибн Синонинг 876 та кўлөзма асарлари рўйхати келтирилган.

Ибн Синонинг араб тилида яратган 5 жилдли «Ал-Қонун» («Тиб конунлари») асари тиббиётга оид беназир дастуриламалдир. 5 мустақил китобдан иборат бу мажмуани кўздан кечирарканмиз, алломанинг юксак табиблик салоҳиятига, касалликларни аниқлаш, уларни даволаш борасидаги

маҳоратига, билимдонлигига тан берамиз. Жумладан, «Қонун»нинг иккинчи китобида 800 га яқин дорининг хусусиятлари баён этилганлиги бунинг айна исботидир. У ишлатган 396 хил ўсимликдан 165 таси ҳозирги замон тиббиётида қўлланилмоқда. 100 таси эса Собиқ Иттифоқ фармокологиясига киритилган.

Олимнинг тиббиётга доир 22 жилддан ташкил топган «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») асари ҳам мавжуд. Абу Али ибн Сино фаолиятининг кўп қирралилиги яна шундаки, у илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам баракали ижод қилган. Унинг «Инсоф китоби», «Нажот китоби», 10 жилдли «Араб тили китоби», бадий ижодга оид «Тайр қиссаси», «Саломон ва Ибсол», «Хайй ибн Яқзон» асарлари ҳамда кўплаб ғазал, рубоий ва шеърӣ дostonлари адабиётимизда алоҳида ўринга эгадир. У мусиқага бағишланган 3 та алоҳида рисола яратиб, мусиқанинг инсон саломатлигини тиклашдаги таъсирини асослаб берган ва мусикатерапия йўналишига асос солган.

Ибн Синонинг тоғларни пайдо бўлиши тўғрисидаги жуда ажойиб фикрлари, минерология ва геология фанларига қўшган ҳиссаси жуда салмоқлидир. Жумладан, у минералларни тўрт гуруҳга бўлиб, уларнинг оригинал классификациясини таклиф этади. Бу классификация то XIX асргача деярли ўзгаришсиз сақланиб келди. Олимнинг минерология соҳасидаги ишларининг муҳимлиги таъкидланиб, 1956-йилда Ўзбекистонда топилган минерал **Авилсенит** деб аталган.

Ибн Сино **ботаника** масалалари билан ҳам кўп шуғулланган. Чунки табобатда ишлатиладиган доривор моддаларнинг аксарияти ўсимликлардан олинади. Машҳур швед ботаниги Карл Линней (1707-1778) Ибн Синонинг ботаника соҳасидаги хизматларини таъкидлаб, тропик мамлакатларда денгиз сувида ҳам ўсувчи ва доимо яшил ҳолда қоладиган бир дарахтни Авиценна деб атади. Ҳам Ғарбда, ҳам Шарқда "**Авиценна**" ва "**Шайхур-Раис**" номи билан шуҳрат қозонган бобокалонимиз ҳақиқатан ҳам мустақил Ўзбекистон ёшлари қалбида ўз тарихи ва бобокалонлари билан фахрланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

IX-XII АСРЛАРДА БАДИИЙ АДАБИЁТ СОҲАСИДА ИЖОД ҚИЛГАН АЛЛОМАЛАР

Ўрта Осиё Уйғониш даври маданияти хусусида гап борар экан, бунда унинг муҳим таркибий қисми, халқ даҳоси маҳсули бўлган бадиий адабиёт ва унинг ажойиб намояндаларининг серқирра ижоди тўғрисида тўхталиб ўтмасдан бўлмайди. Ўлкамизнинг ноёб тарихий - тадрижий тараққиёти тақозоси билан бу даврда бир томондан, расмий тил мақомига айланган араб тилида, иккинчи томондан анъанавий форс-тожик тилида ва ниҳоят, учинчидан, миллий тил сифатида шаклланиб, ривожланиш сари юз тутган туркий (эски ўзбек) тилда нафис адабий асарлар яратилиб, маънавиятимиз хазинаси бойиб борди. Бу эса минтақамизда муқим яшаган халқлар, элатларнинг катта, бетакрор ютуғи бўлди. Зотан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаганидек, «Хар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир»².

IX-XII асрлар адабий жараёнининг ривожига жиддий хисса қўшган, бадиий сўз қадрини юксакка кўтарган даҳо адиблар тўғрисида сўз юритганда Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Носир Хусрав сингари азиз сиймолар номлари беихтиёр кўз ўнгимизда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирининг мангуликка муҳрланган ҳаётбахш ижоди неча асрлар силсиласидан ўтиб, ҳамон кишилар шуури, қалбига эстетик хузур, қувонч бағишлаб, уларни юксак орзу мақсадлар сари илҳомлантириб келади.

Туркий (эски ўзбек) адабиёт шаклланишининг илк сарчашмаларида турган ўтмишдош адибларимизнинг йирик намояндаларидан бири **Аҳмад Югнакий** (VIII аср)дир. Асл келиб чиқиши Самарқанд атрофидан бўлган адиб **Аҳмаднинг** «Ҳибатул ҳақойик» (“ҳақиқатлар ҳадиси”) асари (484 мисрадан иборат)ни кўздан кечирарканмиз, унда инсон шахсияти, унинг таълими тарбияси, камолоти билан боғлиқ жуда кўплаб ўткир, долзарб масалаларнинг ўрин олганлигини, уларни тўғри, холис ва эҳтирос билан ёритилганлигини кўрамиз. Адиб Аҳмад билимнинг инсон ҳаётидаги беқис ўрнини улуғлаш баробарида одамларни билимли, маърифатли бўлишга даъват этади. Билим эгаси вафот этганда ҳам унинг номи боқий қолади, деб хулосалайди шоир, аммо билимсиз киши тиригида ҳам ўликдан фарқи йўқдир. Шоирнинг фикрича, билим туганмас бойликдир, у фақир кишини бой этади, илм аҳлини араб ҳам, ажам ҳам олқишлайди.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Шарқ», 1998, 21 бет

Ўрта Осиё халқлари Уйғониш даври адабиётини форсийзабон ижодкорлар ижоди билангина қўшиб тасаввур этиш мумкин дир. Бу ўринда Сомонийлар даврининг тенги йўқ зукко шоири Абу Абдуллоҳ **Рудакий** (860-941) ижоди алоҳида кўзга ташланиб туради.

Абу Абдуллоҳ Жаъфар **Рудакий** (960-1041 йй.) тахминан 960-йилда Самарқанд яқинида жойлашган Панжрудак қишлоғида туғилган. Шунинг учун ҳам шоирнинг тахаллуси шу туғилган қишлоғининг номидан келиб чиқиб Рудакий бўлиб ҳисобланади. Яна бошқа манбаларда айтилишича, ўша даврда халқ чолғу асбоблари орасида "руд" номли мусиқа асбоби бўлиб, шоир уни чалишни жуда яхши ўрганган, шунинг учун ҳам шоир тахаллусини шу асбобдан олган деб ҳам ҳисоблайдилар.

Рудакийнинг таржимаи ҳолига бағишланган барча манбаларда уни камбағал оиладан эканлиги, ёшлигидаёқ мусиқа асбобларини яхши чалишни ва ашула айтишни севганлиги қайд этилади. Ёш шоирнинг ўзи шеърлар ёзиши ва мусиқага бўлган бундай муҳаббати тез орада уни машхур қилиб юборади. Бу даврда шеърият, айникса, сарой шеърияти, қасиданавислик, яъни шахсга мадҳия ўқиб, кўкларга кўтариб мақташ кенг авж олган эди. Қасиданависликдан асосий мақсад, унинг моҳияти мақтов кимнинг шахсига қаратилган бўлса, ўша кишини шахсни улуғлаштириш бўлган. Рудакий эса маълумотларга қараганда, қасида тўқишга уста бўлган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, унинг Сомонийлар саройига таклиф қиладилар. У даврда ҳокимият тепасида Наср ибн Аҳмад турарди. Шу даврдан бошлаб, унинг ҳаётида сарой даври бошланади. Сарой ҳаёти ўзининг ўта мураккаблиги билан ажралиб турган, фисқу-фасодларга тўла бўлган. Рудакий қариган вақтида саройдан қувилади ва қолган умрини ўзининг она қишлоғида фақирликда ўтказади. Саройдан қувилаётган пайтда унинг кўзига мил тортиб, кўр қилинади.

Унинг вафоти муносабати билан Ўрта Осиё ва Хуросонлик ўнлаб адиблар марсиялар ва тарихлар битганлар. Дакикий ва Фирдавсийдан бошлаб Хофизгача, Жомийдан Садриддин Айнийгача Рудакий номини хурмат билан тилга олиб, уни бутун форс-тожик адабиёти учун устоз деб билганлар.

Гап шундаки, жуда кўп нуфузли манбаларда айтилишича, форс-тожик тилида ижод қилган шоирларнинг бирортаси ҳам унга тенг келадиган даражада асарлар битмаганлар. XI аср шоири Рашидийнинг айтишича, Рудакий бир миллион уч юз минг мисрагача шеър ёзган. Бироқ афсуски, шоирнинг бой адабий меросидан бизгача аттиги минг байт шеърый асарлар етиб келган, холос.

Рудакий асарлари, айникса унинг рубоийлари шу қадар таъсирчан, оҳангдорки, улар кишилар қалбини ўзига беихтиёр маҳлиё этади. Шоир

табиат гўзалликларини жозибали тараннум этиш барбариди одамларни юрт, Ватанни севишга, унга фарзандлик бурчи билан астойдил хизмат қилишга даъват этади. Унинг рубойларида ифодаланган теран фалсафий фикрлар, ҳаётий лавҳалар бугунги авлод кишилари учун ҳам ибрат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бу асарларда шоир дўстлик, муҳаббат, яхшилик қилиш, бировнинг дилини оғритмаслик каби улуғ инсоний фазилатларни улуғлайди. Доимо эзгулик қилишга чорлайди.

Рудакийнинг шеърляти ҳаёт лаззати, ҳаётнинг ўзи устод эканлиги, ундан кўп нарсаларни билиб, ўрганиб олиш мумкинлигини таъкидлайди ва шундай қилиш лозим эканлигини уқтиришга ҳаракат қилади. Ҳаёт таълими бутунлай бошқача таълим эканлигини, уни баъзида ширин, баъзида аччиқ эканлигини кўрсатади. Бундай таълимни ҳеч бир ўқитувчи бера олмаслигини уқтиради. Жумладан,

Ҳар бир киши олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим.

Бизгача Рудакий қаламига мансуб **"Калила ва Димна"**, **"Даврони офтоб"**, **"Синднома"** каби поэмалардан парчалар етиб келган. Рудакийнинг асарлари ҳақида гап юритар эканмиз, унинг тили содда, кенг халқ оммасига жуда ҳам тушунарли бўлганлигини кўраемиз. Шунинг учун ҳам у кенг халқ оммаси орқали шуҳрат топган. Унинг асарлари ҳозирги ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Маҳмуд Қошғарий фаолияти билан бевосита шуғулланувчи олимларнинг фикрича бу зот 1029-1038 йиллар орасида Қашғарда туғилган. У ўзига тўқ, зиёли оиладан бўлиб, Қашғарда яхши билим олади. Ҳатто у Бухоро ва Нишопур шаҳарларида ўз билимларини кенгайтириб катта-катта олимлар билан суҳбатда бўлади. Маҳмуд Қошғарий яшаб ижод этган йиллар Қорахонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Маҳмуд Қошғарий жуда кўп сафарларда бўлади ва ўзининг асарлари учун бой маълумотлар тўплайди. Кўп йиллик изланишлар натижасида **"Девони луғати- турк"** ва **"Жавоҳири-наҳв"** **"Турк тили синтаксиси асослари"** асарларини ёзади. Минг афсуслар бўлсинки, охириги асар ҳанузгача топилмаган.

Маҳмуд Қошғарийни бутун илм оламига танитган асари унинг **"Девони луғати- турк"** асаридир. Бу китоб араб тилида ёзилган. Унда олим кўп йиллар давомида туркий қабилалар орасида олиб борилган кузатишлар асосида туркий тилларни қиёсий ва тарихий усуллар билан таҳлил қилган ва бу тилларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилган. Олимларнинг фикрича, муаллиф ушбу тадқиқотида жуда кўп сўзларнинг этимологиясини ҳам жуда аниқ ва тўғри изоҳлаб берган.

Асар икки қисм (муқаддима ва луғат)дан иборат. Олим асарга ўзи тузган дунё харитасини ҳам илова қилади. Бу ҳол асарнинг қимматини янада оширади. Харита доира шаклида чизилган бўлиб, унда мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, денгиз, кўл, дарё ва ҳоказолар номлари ёзилган. Харитада ёзилмай қолган номлар эса асар матнида берилган.

Харита асосан ҳозирги Шарқий ярим шарга тўғри келади. Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган: "Румдан Мочингача бўлган... шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатган". Асарда турли уруғ-қабилалардан қипчоқ, ўғиз, татар, ямак, басмил, ябону, қай, бошқирт, қирғиз, уйғур, жамил, тару, ичроқ, тухси, яғмо, чигил, тангут, табғоч, шунингдек, форс, араб, хитой, рус халқлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Асарда булардан ташқари бир неча туркий тилдаги ҳикматли сўзлар берилган. Маҳмуд Қошғарийнинг, бу асарида Ўрта Осиё ҳудудидаги бир қанча шаҳарлар номларининг келиб чиқиши масалалари ҳам алоҳида кўрсатилган. Китобда туркий ёзув тўғрисида аниқ маълумотлар берилиб, 18 харфдан иборат турк (уйғур) алифбоси ҳам кўрсатиб ўтилган. Маҳмуд Қошғарийнинг бу китоби дунё халқларининг жуда ҳам кўп тилларига таржима қилинган. Асарнинг бунчалик катта аҳамиятга эга бўлиши муаллифнинг ҳаётни яхши билганлиги, турли билимларни пухта ўзлаштирганлиги ва асарни ҳаёт тажрибасига асосланиб ёзганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам асар ўз илмий қимматини бугунги кунда ҳам йўқотгани йўқ.

Бу давр адабиётининг даҳо санъаткорларидан яна бири Абулқосим **Фирдавсий** (940/941-1030)дир. Уни ёруғ оламга машҳур, номини тилларда дoston қилган, абадийликка муҳрланган нарса - бу алломанинг - бетақроп «**Шохнома**» асаридир. Негаки бу шоҳ асарда Эрон ва Турон халқларининг минг йилликлар қаърига бориб тақаладиган узун кўҳна тарихи, туташ тақдир - қисматлари, жангу жадаллари, мислсиз қаҳрамонликлари катта маҳорат билан ифодаланган. 60 000 байтдан (унинг минг байти Дақиқий қаламига мансуб) иборат бундай салобатли йирик эпик асарнинг дунёга келиши Фирдавсийнинг бадиий ижоддаги улкан жасоратидир. Шоир Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эроннинг катта ўтмиший тарихига мурожаат қилиб, унинг қатқатига яширинган ноёб инжуларни шодага чизиб, халқ оғзаки ижоди дурдоналарини чуқур ўрганиб, уларни ўз замонасининг етилган долзарб масалалари, вазифалари билан уйғунлаштириб, шундай буюк асар яратдики, мана неча асрлардирки, у башарият аҳлининг доимий назарида ва нигоҳида бўлиб келмоқда.

«Шоҳнома» давримиз кишиларида теран инсонпарварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик, олижаноблик туйғуларини таркиб топтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Қорахонийлар даврида яшаган яна бир ўз даврининг атоқли шоири, донишманд ва давлат арбоби **Юсуф Хос Ҳожибдир** (ХИ аср). Унинг таржимаи ҳоли, туғилган йили ва ҳаёти тўғрисида ёзилган бирон-бир асар сақланиб қолмаган. У Қорахонийлар сулоласининг пойтахти Боласоғунда туғилган ва шу ерда ижод этган. Ҳозирги кунда Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" ("Бахт-саодатга бошловчи билим") деб номланган дидактик, бадиий-фалсафий асари бизгача етиб келган бўлиб, бошқа асарлари маълум эмас. Шоирнинг ўзи бу ишга роппа-роса 18 ой сарфлаган ва унга жуда ҳам пухта тайёргарлик кўрган.

Асар насрий муқаддимадан сўнг 77 байтдан иборат бўлган шеърий муқаддима билан бошланиб, 73 бобнинг мундарижаси берилади. Бошланғич боблар ўша давр анъаналарига биноан бошланиб, Оллоҳ ва Пайғамбар, ислом динининг фойдаси ва дунёвий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-илмий масалалар билан тугалланади.

Асар шунчалик кўп қамровли-ки, унда кўтарилган масалаларни оддий санаб ўтишнинг ўзи ҳам бир неча саҳифаларни ташкил этади: масалан: Етти сайёра ва ўн икки бурж. Инсон фарзандларининг қадри билим ва тафаккурда. Тилнинг фазилат ва манфаатлари. Китоб эгасининг узри. Билим ва ақл-идрокнинг фарқи тўғрисида. Баҳад мадҳи. Ой тўлдининг бахт ҳақидаги ҳикояси. Ана шу санаб ўтилганлардан ҳам кўриниб турибдики, асарда шоир инсон масаласини ажратиб олади. Инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, вазифаси ҳар томонлама таҳлил қилинади.

"Қутадғу билик" асарида билим ҳақидаги алоҳида боб бўлиб, унда билимдан ҳеч бир зиён бўлмаслиги, у кишиларга фақат фойда келтириши мумкинлиги, кишиларга билим кадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтириши мумкинлиги айтиб ўтилади. Шунингдек, асарда марказлашган давлатни мустаҳкамлашга қаратилган низоларга чек қўйиш каби ўша давр учун жуда катта аҳамиятга молик бўлган масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга, давлатни идора этиш йўлари, бунинг учун беклар бу йўлда ўз атрофига билимдон, ақлли одамларни тўплаши лозим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Эл-юртни бошқариш асосида икки нарса ётади деб кўрсатган шоир. Бири адолат кўрсатиш бўлса, иккинчиси, улардан марҳаматни аямасликдир. Юқорида қайд қилинганидек, шоирнинг бу асари дунё жамоатчилиги томонидан яхши қабул қилинган энг яхши асарлар қаторидан ўрин олган.

IX-XII АСРЛАРДА ИСЛОМ ДИНИ ВА СЎҒИЙЛИК

IX-XII асрларда ислом дини Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги тарихида катта рол ўйнай бошлади. Мовароуннаҳрда бу давр араб халифалигидан мустақил бўлган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши даври бўлган бўлса, ислом бу вақтда Шарқда кенг тарқалиб жаҳон дини даражасига кўтарилади, мусулмон дунёсининг мафкурасига айланади. Араб тили давлат тили даражасига кўтарилади. Азалдан саводли бўлган, маданият даражаси юқори даражага кўтарилган халқ тез орада нафақат араб тилини, балки исломни ҳам чуқур ўрганиб, араб тили ва шариат масалаларида китоблар ёзадиган олимларни етиштириб чиқара бошлади.

Халифаликдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар даврида бу мустақил марказлашган давлатларни янада мустақамлаш учун ислом динига, унинг таълимотига, тарихий аҳкомларига эътибор бир неча бор кучая бошлайди. Шаҳарларда масжидлару-мадрасалар қурилишига эътибор берила бошлади. Масалан, манбаларнинг дарак беришича, Бухорода дастлабки мадраса Ковушдўзлар тими яқинида барпо қилинади. Ҳатто қонуншунослар учун ҳам махсус **"Фақиҳлар мадрасаси"** деган Ихтисослаштирилган мадраса қурдирилган. Бундай билим масканларида Қуръони карим, Ҳадис илми ва шариат асослари ҳар томонлама мукамал ўрганилган. Ўша давр шаҳарлари орасида ислом дини таълимотини чуқур тарғиб қилишда Бухоро шаҳри алоҳида ўринни эгаллайди. Юқорида қайд қилинганидек, мадрасаю, мактабларнинг борлиги бу ерда етук илоҳиёт фани намоёндаларини етишиб чиқишига хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, Бухоро шу даврдан бошлаб "Қуббат-ул-ислом" ("Ислом динининг гумбази") номи билан шуҳрат топа бошлайди. Секин-аста марказлашган давлатнинг асосий мафкурасига айланган ислом дини бошқа диний қарашларни сиқиб чиқара бошлайди ва халқ оммасини итоатда ушлаб туриш учун қурол воситаси ролини ҳам бажара бошлайди.

Бу даврда ислом таълимотига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий каби кўплаб уламолар етишиб чиқдилар. Улар шу кунга қадар Ҳадис илмининг энг кўзга кўринган, бутун мусулмон дунёси томонидан тан олинган алломалари даражасига кўтарилган зотлардир.

Юртимизда исломий маданиятнинг қарор топиб, илдиз отиб бориши баробарида унинг улуғвор ғоялари, асл мақсадларини кенг ташвиқ, тарғиб қилиш, айниқса ҳадис илмини асосли тадқиқ этиш кучайиб бордики, бу борада заминимиздан чиққан бир қатор буюк муҳаддис олимларнинг хизмати катта бўлди. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Алайхувассалом номи ва у

зоти шарифнинг муборак сўзлари билан боғлиқ «Қуръони Карим» оятлари мазмуни, моҳиятини теран тушуниш ва англаб етишга муҳим калит бўлиб хизмат қиладиган ҳадисшунослик илми IX асрда жиддий ривож топди. Бутун мусулмон оламида энг ишончли манбалар деб тан олинган 6 та ишончли ҳадислар тўплами (ас-сиҳоҳ ас ситта) худди шу даврда яратилди.

Имом Бухорий (809-870-йй.) «Ҳадис илмида амир ал-мўминийн» деган шарафли номга сазовор бўлган. У Бухорода туғилиб, шу ерда биринчи билимларни олади. Ёшлигидан диний билимларни чуқур эгаллайди, бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ал-Пойкандий, Абдуллох ал-Маснадийлардан ҳадис илмини чуқур ўрганиб кўп ҳадисларни ёд олган. У 16 ёшидан бошлаб мусулмон дунёсининг кўплаб шаҳарларини кезиб, Ҳадис илмининг сиру асрорларини билиш, уларни тўплаш ва тадқиқ қилиш учун тинимсиз саёй-ҳаракатларда бўлади. Бу ҳақда унинг ўзи: «Миср, Шом, Месопотамияга икки мартадан, Басрага тўрт марта борганман. Ҳижозда 6 йил яшаганман, Боғдод ва Куфа шаҳарларига неча бор борганим ҳисобини билмайман», деган эди.

Имом Бухорий ўз сафарлари давомида турли шаҳарлардаги 90 га яқин устозлардан таълим олган. Айни чоғда унинг ўзи ҳам сан-саноксиз шогирдларга устозлик қилган. Имом Бухорий шогирдлари орасида Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий, Муҳаммад ал-Маснадий, Халаф ибн Қутайба, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвозий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал сингари зукко олимлар номи алоҳида ажралиб туради.

Манбалардан бизга маълумки, Имом Бухорий ислом дини масалаларига бағишланган 20 га яқин асар ёзган. У олти юз мингга яқин ҳадисни ёддан билган. Имом ал-Бухорийни “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрод”, “Ат-тарих ас-сиғар” каби асарлари ислом тарихидаги муҳим аҳамият касб этувчи манбалардир.

Шу китоблар орасида Бухорийнинг бутун дунёга машҳур қилган асари "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам")дир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Ал-Бухорий ҳадислари ислом дунёсидаги юзлаб ҳадисчи олимларникидан алоҳида фарқ қилади ва шунинг учун ҳам «Ишонарли» тўплам дейилади. Унинг ислом диншунослигига оид 20га яқин катта ҳажмдаги асарлар ёзгани маълум. Бухорий ҳадисларини тўплаш ва баён этишда уни ҳақиқийлигига асосий эътибор берган, уни ҳақиқатга яқинлигини исботловчи далилларни келтирган ва шу асосда ҳадисларни тасниф қилган олимдир. Унинг диққат марказида фаннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, фозиллиги, донолиги, яхши ва ёмонни ажрата олиши туради.

Имом Бухорий гўзал инсонийлик сифатларига эга бўлиши билан бирга унинг қуввати хофизаси, хотираси ниҳоятда ўткир бўлган. Манбаларда унинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билганлиги қайд этилган.

Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат. Энг муҳими шундаки, бу шарафли ишни биринчи бўлиб ал-Бухорий бошлаб берган бўлса, кейинчалик бошқа олимлар унга эргашиб, ҳадислар тўпламини яратганлар.

Алломанинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари асрлар давомида бутун мусулмон дунёсида юксак қадрланиб, неча бор нашр этилиб, ер юзи мусулмонлари учун дастуриламал қўлланма бўлиб келмоқда. Унинг 1325 йилда кўчирилган 8 жилддан иборат мукамал нусхаси ҳозирда Истанбул (Туркия)да сақланмоқда. Унинг асарида ифодаланган меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, бева-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, ҳалоллик, покизаликка даъват этувчи юксак инсоний фазилатлар, олижаноб туйғулар ҳамиша инсонларга маънавий куч бағишлаб келган.

Мустақиллик йилларида улуғ бобомизнинг бой илмий мероси халқимизга янгидан тўла насиб эта бошлади. Унинг асарлари, шу жумладан, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асари (4 жилдда) она тилимизда илк бор нашр этилди. 1998 йил октябрида эса аллома таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланди. Ал-Бухорий ҳоки-пойи дафн этилган Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғида эса унга бағишлаб ёдгорлик мажмуа барпо этилди. Ҳозирда бу жой нафақат мамлакатимиз фуқароларини, балки бутун мусулмон дунёси аҳлини зиёратгоҳ жойига айланган.

Имом Бухорий юбилеи маросимидаги нутқида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов аллома сиймосини таърифлаб шундай деганди: “Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи-энг ишончли ҳадислар тўплами - «Ал-Жомеъ ас саҳиҳ» ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир”.

Ал-Бухорий жаҳонга танилган ўз замонасининг атоқли тарихчиси ҳам эди. Унинг “Жомеъ ат-таворих” асари “Кичик тарих”, “Ўртача тарих” ва “Катта тарих” деб номланувчи уч қисмдан иборат. Исмоил Бухорийнинг 1974 йилда топилган “Кичик тарих” ва “Ўртача тарих” китоблари Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университетининг шарқ қўлёмалари фондида сақланмоқда.

Имом ал-Бухорийнинг замондоши ва шогирди, ўз даврининг машхур алломаси **Имом ат-Термизий** (824-892-йй.) Термиздан унча узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида туғилган. Унинг буюк ҳадисчи олим бўлиб, етишишида Имом Исмоил ал-Бухорий устозлиги катта ўрин тутади.

Бўлғуси аллома ўз она юртида дастлабки маълумотни олганидан сўнг Ўрта Осиёнинг Урганч, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларида билимини такомиллаштиради. Бундан ҳам етарли қаноат ҳосил қилмаган, ҳамиша илмга чанқоқ ат-Термизий Шарқ мамлакатларига саёҳатга чиқади. Шу тариқа, у узоқ йиллар Бухоро, Самарқанд, Ироқ, Нишопур, Хижоз, Исфаҳон, Хуросон, Макка, Мадина сингари шаҳарларда яшаб, илм-фаннинг турли соҳаларидан-илм ал-қироат, илм ал-баён, фикҳ, тарих ва айникса ҳадис илмидан ўша замоннинг йирик устози бузрукларидан таълим олади. Айни пайтда ат-Термизийнинг ўзи ҳам юзлаб шогирдларга меҳрибон устоз бўлиб, уларнинг ҳадис илмининг билимдонлари сифатида шуҳрат топишларига катта ҳомийлик кўрсатган.

Ат-Термизийдан бизгача катта илмий мерос етиб келган. Унинг асосий асарлари сирасига «Ал-Жомий» («Жамловчи»), «Ал-илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги оғишмалар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва бахслар ҳақида рисола»), «Ат-тарих» («Тарих»), кабиларга нисбат бериш мумкин. Ат-Термизий ҳадислардан ташқари филология, тарихга оид асарлар ҳам ёзди. Унинг 10 дан ортиқ ёзган асарлари орасида номини бутун мусулмон оламига машхур қилган асари "Жоме ат-Термизий" ёки "Сунан ат-Термизий"дир. Бу асар исломда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машхур ҳадислар тўпламидан биридир.

Ат-Термизийнинг сара асарларидан «Ал-жомий» асари ҳадис илми бобида 6 та ишончли тўпламлардан бири сифатида ниҳоятда ноёб асар ҳисобланади. Унинг яна бир машхур асари «Аш-шамоил ан-набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») бўлиб, бу асар пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳувассаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 та ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган. Мазкур асар мустақиллигимиз шарофати билан 1991 йилда «Шамоили Муҳаммадийя» номи билан Тошкентда ўзбек тилида биринчи бор кенг нусхада чоп этилди.

1990 йил сентябрь ойида Тошкентда ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Исмоил ал-Бухорий ҳадислари каби Ат-Термизий тўплаган ҳадисларда ҳам тарбия, ахлоқ одоб, ота-она, ва фарзанд ҳақ-ҳуқуқлар, ҳалоллик, поклик, каби умуминсоний кадриятлар ва ахлоқ мезонлари асосий ўрин тутади.

Шундай қилиб, хур, озод юртимиз кишилари Абу исо ат-Термизий сингари буюк ўтмишдошларимиз сиймосини ўзларига янгидан кашф қилиб, уларнинг бебаҳо мероси дуру-жавохирларидан тобора тўлароқ баҳраманд бўлиб бормоқдалар.

Имом Бухорийнинг нурли қаламини **Имом Абу Мансур ал-Мотурудий** олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлади. У инсон Самарқандда туғилиб, ўсиб, таълим олиб, ижод қилиб, шу ернинг ўзида 333ҳижрий санада вафот этган.

Мотурудий ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлди. У киши жуда ҳам машхур бўлиб, Мавороуннаҳрда барча унга мурожаат қилган ва улардан фикҳ, усули фикҳ ва бошқа диний илмлардан таълим олишган.

Имом Абу Мансур ал-Мотурудий бир қанча китоблар ёзган, жумладан, усул бўйича “Китобул жадал”, фикҳда “Маъохизуш шарийъа”, бундан ташқари “Китобур радди ала ал-Каъбий ал-Мўътазилий”, “Китобур радди ала ал-Қаромита”, “китобур радди ала-ар-Рофиза”, “Китобут тавҳид”, “Таъвийлоту аҳлис сунна” китоблари шулар жумласидандир.

Унинг асарларида илгари сурилган ғоялар ислом динининг асосини тўғрилиқ, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган барча мўмин–мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳанг бўлганлиги билан аҳамиятлидир.

Бурхониддин Марғиноний мусулмон олами фани эришган барча билимларни эгаллаган, улуғ алломалардан сабоқлар олган. Исломий илмлар соҳасида ўзининг беқиёс салоҳияти билан буюк илмий мактаб яратган, ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намоёндаси ҳисобланади. Уни Шарқ оламида “Бурхониддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлган. Сунний шариатининг тўрт асосий масҳаблари асосчилари ва уларнинг шогирдлари асарларини кунт билан мутолаа қилган. Бу нарса улуғ алломага фикҳ илми бўйича тенгсиз асарлар ёзиб қолдиришга имконият яратади. Фикҳшунос олимнинг “Бидоят ал-мубтадий” (Бошловчилар учун дастлабки таълим), “Кифоят ал-мунтақий” (Яқунловчилар учун тугал таълим), “Нашр-ул масҳаб” (Масҳабнинг ёйилиши), “Китоб ул-мазид” (Илмни зиёда қилувчи китоб), “Китоб ул-фароиз” (Фарзлар китоби), “Мажмаа ул-навозил” (Нозил бўлган нарсалар тўплами), “Маносиқ ул-ҳаж” (ҳаж масоримлари), “Китоб ул-машойих” (Шайхлар тўғрисидаги китоб) каби буюк асарлар шулар жумласидандир. Албатта бу улуғ аллома ижодида “Ҳидоя фи фуруъ ал фикҳ” (Фикҳ соҳалари бўйича қўлланма) тенги йўқ шоҳ асардир. Бу асарни олим 1178 йилда Самарқандда ёзган. Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” китоби тўрт

жилддан иборат бўлиб, у 56 бобни ўз ичига олади. Бу асар ўзига хос шариат кодекси бўлиб, у ҳозирги кунда ҳам ислом дунёси қонуншунослари учун асосий қўлланма сифатида хизмат қилади. Унда шариат масалаларида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари билан бир қаторда Ҳанафийлик масхабининг барча имомлари, шунингдек бошқа масхаб вакиллариининг мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Асарда исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, рўза, ҳаж, қурбонлик; оила ва никоҳ билан боғлиқ бўлган масалалар, ҳуқуқий қоидаларни бажармаганлик учун жазо чоралари белгиланган. “Ҳидоя”да мулкӣ ва молиявий муносабатларга, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқлари, суд ва процессуал масалалар кенг ўрин олган. Яна унда урушлар, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш ва фаолиятдаги тақиқлашлар, ижозатлар ҳақида ҳам йўл-йўриқлар берилган. Шунинг учун ҳам бу асар саккиз асрдан буён мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани ва бошқалар улуг боболаримизнинг ислом маданияти ва маънавияти, маърифати ривожига улкан ҳиссаларининг исботидир.³

Ўз замонаси олимлари орасида пешқадам саналган, тилшунослик, қонуншунослик, ҳадисшунослик, мантиқ каби соҳаларда нодир асарлар яратган **Каффол аш-Шоший** (903-976) ижоди ҳам кўп қирралидир. Алломанинг «Одоб ал-қози» («Қозининг феъл-атвори»), «Одоб ал-бахс» («Бахс одоби»), «Хусни жадал» («Диалектика гўзаллиги») каби асарлари унга катта шухрат келтирган. У шеърият соҳасида ҳам ўз услуби ва йўлига эга етук ижодкор бўлган.

Кўхна Хоразм диёридан чиқиб ўзининг бетакрор илмий ижоди билан Ўрта Осиё Уйғониш жараёнига жиддий таъсир кўрсата олган нуқтадон олим **Маҳмуд аз-Замаҳшарий** (1075-1144) номи ҳам фан осмонидаги ёрқин юлдузлардан биридир. Буюк мутафаккир араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳ (қонуншунослик)ка оид 50 дан зид ноёб асарлар муаллифидир. Унинг «Ал-Муфассал», «Муқаддимат ул-адаб», «Асос ал-балоға» («Нотиқлик асослари»), «Хутбалар ва ваъзлар баёнида олтин шодалар», «Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни», «Арузда ўлчов (меъзон)», «Ниҳоясига етган масалалар», «Нозик иборалар», «Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш» каби асарлари бутун Шарқ ва араб дунсида эътироф топган.

³Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000, 18-бет.

Исмоил Журжоний, Маҳмуд Чағминий, Бурҳониддин ал-Марғиноний каби алломаларимиз яратган илмий-маънавий мерос ҳам Ватанимиз шуҳратини оламга таратди.

Ислом динининг мамлакатда асосий дин сифатида тан олиниши, бошқа динларнинг оёқ-ости қилиниши, бу даврда меҳнаткаш омма турмуш тарзининг оғирлашуви улар орасида уларни юпатишга, уларнинг руҳини енгил қилишга ёрдам берувчи ғояни қидиришга мажбур қила бошлади. Бу ғоя **тасаввуф** ғояси бўлди.

Тасаввуф, яъни **сўфийлик** ислом дини асосида шаклланган диний-фалсафий оқим бўлиб, покланган, зоҳид, тақводорлик маъносини англатади. Унинг асосида бу дунё лаззатларида воз кечиш орқали Оллоҳга етиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини қидириш ётади. Суфийлик, Қуръон ва шариат талабларини албатта сўзсиз бажариш, ўзини Худонинг қули деб билиш кабилар, ўз хоҳиши билан покланиб, Оллоҳга, руҳий маънавийликка сингиш орқали эришишга асосланади. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

Тасаввуфда руҳни камолотга, унинг сўнгги мақсади Оллоҳга эришув йўллари тўрт босқичдан иборат: биринчи босқич-**ШАРИАТ** деб аталади, унда авваламбор, шариатнинг барча талабларини бажариш ва унга бўйсунуш талаб қилинади. Иккинчи босқич - **ТАРИҚАТ** деб аталади. Унда мурид ўз шахси истакларидан воз кечиб, ўзини пир ихтиёрига топшириши керак. Учинчи босқич - **МАЪРИФАТ** бўлиб, унда сўфийлар коинотнинг бирлиги Худода мужассам бўлишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбатини ақл билан эмас, қалб орқали англаб олишлари керак бўлади. Тўртинчи босқич **ҲАҚИҚАТдир**. Бунда сўфий шахс сифатида тугаб, Худога - мўлжалланган ҳақиқатга етишиши, Оллоҳга сингиб кетиши ва натижада абадийликка эришуви зарур. Бу жараён маълум давомли вақтни талаб этган. Махсус руҳий жисмоний ҳаракат, фаолият, сиғиниш, ибодатлар, оҳанглар ёрдамида амалга оширилган.

Тасаввуфнинг ижтимоий асосини шаҳарлардаги хунармандлар, майда савдогарлар ташкил қилган. IX-X асрлардаёқ Ироқ ва Эронда унинг йирик вакиллари вужудга келади. Мовароуннаҳрда эса тасаввуф таълимоти X асрдан бошлаб ёйила бошлади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тасаввуфнинг ривожланишида **Юсуф Ҳамадоний** таълимоти муҳим рол ўйнайди. Манбаларда қайд қилинишича, Юсуф Ҳамадоний 1043-1049-йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилади. Дастлабки билимларини Ҳамадон ва Бағдодда олади. Имом Ғаззолий каби буюк алломаларни тарбиялаб вояга етказган шайх Абу Али Фарсадийга шогирдликка тушади. Юсуф Ҳамадоний умрининг катта қисмини Ўрта Осиёда ўтказган. У хунармандчилик-

косибчилик билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, унинг таълимоти асосан хунармандлар орасида кенг тарқалган ва уларнинг манфаатларини ифодалаган. Юсуф Ҳамадоний сўфийлик илми бўйича кўплаб шогирдлар тайёрлади. У Бухорода махсус хонақо қурдириб, ўша ерда шогирдларга дарс берган.

Юсуф Ҳамадоний таълимотида ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган. Уни пир деб билган шогирдларидан 213 таси машхур шайхлар бўлиб етишган эканлар. Ҳамадоний таълимотидан Ўрта Осиёда икки тасаввуф мактаби - яссавийлик ва нақшбандийлик келиб чиқади.

Ўрта Осиё ҳудудида биринчи вужудга келган сўфийлик оқими **Яссавийлик**дир. Бу оқимга 1105 йилда Ясси (Туркистон) шаҳрида туғилган **Аҳмад Яссавий** асос солган. Аҳмад Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олгач, яна она шаҳри Туркистонга қайтиб келади ва шогирдлар тарбияси масаласи билан шуғулланади. Мадраса ва хонақолар қурдиради. Яссавий таълимотининг асослари туркий тилда ёзилган "Девони Ҳикмат" асарида баён этилган. У ўтроқ ва кўчманчи туркий халқлар орасида сўфийлик таълимотини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этган.

Яссавий тариқатининг бошқа тариқатларда бўлганидек, ўзига хос қоидалари бор. Улар:

1. Мурид ҳеч кимсани ўз шайхидан афзал кўрмаслиги, унга мутлақо таслимият изҳор этмоғи лозим.
2. Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, то ўз шайхининг барча рамз ва ишораларини мукамал англай олсин.
3. Шайхининг барча аҳволи (сўзлари) ва аъфолари (ишлари) га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо муте ва мўтақид бўлмоғи лозим.
4. Мурид ўз муршиди (пири)нинг барча топшириқларини чакқонлик билан сидқидилдан бажариб, уни ҳамиша рози қилиб юрмоғи лозим.
5. Мурид ўз сўзига содиқ, ваъдасига росих бўлиб, ўз муршиди кўнглида ҳеч қандай шак-шубҳа туғдирмаслиги зарур.
6. Мурид ўз ваъдасига вафодор ва сўзида устувор бўлиши керак.
7. Мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулк, бутун бор-у йўғини ўз шайхига нисор (бахшида) этмоқ учун доимо тайёр бўлмоғи керак.
8. Мурид ўз шайхининг барча сир-асроридан огоҳ бўлиб, унинг ифшосини (ошкор этишни) ҳеч вақт хаёлига келтирмаслиги керак.
9. Мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутмоғи, унинг мушкулотини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт.
10. Мурид Оллоҳ висоли учун ўз шайхи йўлида бутун моли ва жонини нисор этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

Аҳмад Яссавийнинг фикрича шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифъатсиз ҳақиқат бўла олмайди. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Бу йўл камолот йўли бўлиб, инсон ҳаётининг асл моҳиятини ташкил этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг яна бир шогирди **Абдуҳолик Ғиждувоний** бўлган. Яссавий билан Ғиждувоний шу даражада иқтидорли шогирдлардан бўлишганки, кейинчалик улардан бир "Яссавия", иккинчиси "Нақшбандия" тариқатининг асосчилари бўлиб етишадилар. Хожа Абдуҳоликнинг таржимаи ҳоли, туғилган ва вафот этган саналари аниқ. У 1103 йилда Ғиждувонда туғилиб, 1179 йилда ўз ватанида вафот этади. Хожа Абдуҳоликка дастлабки саводни ўз туғилган юртида Имом Садриддин беради. Кейинчалик ўқишни Бухорода давом эттириб, юқорида қайд қилинганидек, Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, устоз ва шогирднинг бир-бирларига ҳурмати, меҳр-оқибати шу даражада бўлган эдики, улар биргаликда Шарқнинг фан ва маданият ўчоқларидан бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Марв, Исфохон, Балх сингари шаҳарларга борган эканлар ва у ерларда тасаввуф соҳасидаги ўз билимларини янада чуқурлаштирган эканлар.

Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний Шарқ фалсафа тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий дунёқараши тасаввуфдаги Хожагон (Хожалар) халқасида шаклланди. Агар бизгача Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар"и мерос бўлиб қолган бўлса, Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийдан «Рисолайи Соҳибия» "Рисолайи Шайхшуюк Хазрати Абу Юсуф Ҳамадони" каби асарлар мерос бўлиб қолган. Аммо бу асарлар ҳали яхши ўрганилмаган ва кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилинмаган. Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний устозидан кўп нарсаларни ўрганар экан, ўзи ҳам кўп ҳолларда мустақил фикр юритиб, баъзи масалаларда ўз йўлини шакллантиришга ҳаракат қилган. У зикр айтиш усули бўйича "Зикри Хуфия", "Зикри дил" амалини тарғиб қила бошлаган. Хожа Абдуҳоликнинг устози Юсуф Ҳамадоний ўша вақтда ўз саҳобалари билан "Алония" зикр тушиш амалини бажарган.

Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний юқорида қайд қилинганидек, "Хожагон" (Нақшбандия) тариқатининг асосий қонун-қоидаларини ишлаб чиққан буюк алломадир. Унинг асарлари, ҳаёти, қилган ишлари бутун турк оламида алоҳида ўрин эгаллаб, маънавий ҳаётда ўчмас из қолдирган.

Нажмиддин Кубро (1145-1221-йй.) - тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиёдаги йирик вакиллари билан бири. Сўфийликдаги Кубравия оқимининг асосчиси. Хивада туғилиб, Миср, Табриз ва Ҳамадонда илм олган. Кўхна Урганчга қайтиб, ўз таълимотини ривожлантириб, шу ерда янги сўфийлик оқимига асос солади. У "Фавоих ал-Жамол ва фовотих ал-Жалол" ("Жамонинг муаттарлиги ва камолотнинг эгалари"), "Ас-усул ал-ашара"

("Ўнта қонун ва қоидалар") номли қатор рисола ва асарлар ёзиб, ўз таълимотини такомиллаштиришга эришди. Кубровия тариқати асосини 10 та қонун-қоидалар ташкил этади. Уларга асосан "тавба", "зухд" ("мол-дунёдан воз кечиш"), "таваккал" ("Оллоҳ йўлида»), "қаноат", "узлат", "доимий зикр", "таважжуз", "сабр", "мувоқабат" ("камолот топиш") ва "ризо" (хаққа етишиш) каби қоидалар киради.

Кубровия тариқати Яссавия тариқатидан фарқ қилиб, тарки дунёчилик рад этилади. Унда камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш кераклиги илгари сурилади. Бу таълимотда ватанга, халққа бўлган муҳаббат ғояси ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай оғир шароитда ҳам халқ билан бирга бўлиш, ватан ҳимояси учун курашиш, унинг мустақиллигини сақлаш зарурлигини даъват қилинади. Ўз ғоясига содиқ Нажмиддин Кубро ватан ҳимояси йўлида мўғуллар билан жангда "Ё ҳаёт ё шарофатли ўлим" деб босқинчиларга қарши мардонавор курашиб, шаҳид бўлди ва жасорат намунасини ўз муридларига кўрсата олди.

Шундай қилиб, тасаввуф Мовароуннаҳр аҳолисининг маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғланган таълимот бўлиб, ўрта асрнинг халқпарвар адиб ва машоихлари уни чуқур билишга ва у орқали оммага зиё ва маърифат тарқатишга интиланлар.

Ислонинг халқпарварлик руҳи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, ислом дини маънавий бўшлиқни тугатди. Диёримизда ота-боболаримиз дини-ислом фақатгина мустақиллик шарофати билан қайта тикланди. Президентимиз ташаббуси билан буюк диний арбоблар-Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Абдулхомид Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг таваллуд ёшларининг кенг миқёсда нишонланиши, уларнинг охириги манзилгоҳларини обод қилиб, зиёратгоҳларга айлантирилиши, диний байрамларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизнинг тикланиши. диндорларга ўз эътиқод ҳуқуқларининг қайтариб берилиши, қатор масжид-мадрасаларнинг, халқаро ислом тадқиқот маркази, Ислон университетининг очилишлари ва бошқа хайрли, савобли тадбирлар мусулмон оламининг бир қисми бўлган Ўзбекистонда ҳақиқатда муқаддас Ислон динига қанчалик эҳтиром билан қаралаётганлигининг ёрқин исботи деб ҳисоблаймиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" номли рисоласида, бизнинг маданиятимиз, маънавиятимиз, ўтмишимиз, ислом тарихи, унинг қонун-қоида ва анъаналари билан чамбарчас боғланиб кетганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

IX-XII асрларда Марказий Осиё минтақасида маданият юксалиши парвоз босқичига чиқиб, айна шу хууд жаҳонни ҳайратга солган буюк мутафаккирларни етиштириб берганлиги, илм-маърифат, бетакрор кашфиётлар бешиги тарихда “Мусулмон маданияти”, “араб маданияти” деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. Ўрта аср тарихчилари ва сайёҳлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўсганлиги, кўркам шаҳарлар қад кўтарилганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар. Меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик, мусиқа санъати беқиёс даражада ривожланган, кўплаб кутубхоналар фаолият кўрсатган.

Бу даврда олимлар ўша вақтда дунёда мавжуд бўлган барча илм соҳалари билан қизиққанлар ва кўплаб фанлар ривожига ҳисса қўшган.

Бизнинг улуғ боболаримиз ислом маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшиб калом ва ҳадис, тасаввуф ва фикх таълимотини ривожлантирдилар. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги бутун мусулмон дунёси яхши биледи ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича – АЙСЕСКО томонидан **Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти** деб эълон қилингани ҳам ана шундай эътирофнинг тасдиғидир.

Ҳар бир фуқаро шуни англаб етиши керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ўзига хос ва мос йўли бўлгани каби маданий-маънавий ривожланишида ҳам ўз йўли бор. Бу ўзига хосликни динга, диний кадриятларга муносабатимизда, улардан маънавий тарбияда фойдаланишимизда ҳам кўришимиз мумкин. Бу йўл Президентимиз асарларида, хусусан “Юксак маънавият енгилмас куч” китобида ёритиб берилган. Унинг моҳияти мўътадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ички-ботиний оламни поклаб, Аллоҳни дилда сақлаб, ақлу тафаккур, илму урфон билан камолот сари бориш, ўз маънавий меросимиз кадриятларимиз ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқадам бўлган ҳолда олға боришдир.

Жаҳонда кейинги вақтларда рўй бераётган айрим салбий ҳодисалар, ножўя ҳатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда.⁴ Асосий вазифамиз эса, мустақиллик берган ҳидоят йўлини турли унсурлардан асраш, уларга берилмаслик лозим.

Хулоса қилиб айтганда, она диёримизнинг уйғониш (ренессанс) даври, халқимизнинг бу кўҳна ўтмиши, авваламбор, унинг машаққатли бунёдкорлик тарихидир. Чунки бу даврда халқимиз асрлар давомида эътиқод қилиб

⁴ Қаранг. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 9-бет.

келаётган оташпарастлик, несториан, моний, будда ва қам каби динларни араблар йўқ қилиб, уларнинг ўрнига яқка худоликка асосланган Ислом динининг жорий қилиниши, тарқоқ қабилаларни ягона давлатга бирлаштириш ва шу йўл билан марказлашган давлатни вужудга келтиришни кўзда тутган эди. Аллоҳ Муҳаммад салоллоҳу алайҳи вассаломга юборган “Муқаддас ваҳийлар” мажмуи бўлган Қуръони Карим мусулмонларнинг жамиятдаги адолатсизликларга барҳам берилишини таъминлаши лозим бўлган. Худо олдида барча тенг эканлигини тасдиқлади. Бу ғоя аҳолининг барча қатлами учун мос келди. Шу сабабли ислом дини кишилар қалбига кириб борди.

Аждодларимиз асрлар оша ҳалол меҳнат билан кун кечириб, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзи, ҳуқ-атвориға кучли таъсир қилиб, унда мустаҳкам эътиқод, пок ахлоқ, сабр-қаноат қилиш хислатларини шакллантирди. Исломнинг кириб келиши билан аждодларимизнинг қарашлари янада мустаҳкамланди ва ўта халқчил байналминаллик мафқураси шаклланиб тараққий топди. Бу даврда Исмоил ал-Бухорий, Исо ат-Термизий ва Бурхониддин Марғиноний каби забардаст ақоид уламолари етишиб чиқди. Улар ислом дини ва қонуншунослиги тараққиётиға ва унинг жаҳон дини даражасиға кўтарилишиға катта ҳисса қўшдилар.

Кейинчалик вужудга келган Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар каби буюк давлатлар ташкил топиши билан бу ўлкада илм-фаннинг ривожини учун қулай имкониятлар очилган эди. Илму фаннинг ривожини ўз навбатида ўлкада суғорма деҳқончилик, ирригация, айниқса, муҳандислик асосидаги сув иншоотларини қуриш, бинокорлик, меъморчилик ва қон ишларини йўлга қўйилишиға олиб келди.

Айнан шу даврда Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Мусо Хоразмий, Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи ва бошқа кўплаб ўрта асрнинг буюк алломалари етишиб чиқдилар. Улар жаҳон илм-фаниға улкан ҳисса қўшдилар. Бу давр Марказий Осиёда илм-фан, маърифат ва маданиятнинг юксак парвозини бўлиб, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган давр бўлди. Шунинг учун ҳам IX-XII ва XIV-XVI асрлар Ватанимиз цивилизацияси ва маданияти тараққиётида буюк уйғониш (ренессанс) даври бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ҳудудида юз берган Уйғониш даврида кўплаб фавқуллоҳда истеъдод соҳиблари етишиб чиқдики, улар жаҳон фанининг турли йўналишларида бетакрор кашфиётлар, чинакам мўъжизалар яратдилар. Бу билан улар Ватанимиз шону шарафини юксакларға кўтардилар ҳамда келгуси миннатдор авлодлар учун битма-туганмас бой мерос

қолдирдилар. Шу боисдан ҳам улуғ аждодларимизнинг руҳи, мунаввар сиймоси ҳамиша ҳар биримизнинг жисму жонимизда, меҳримизда намоён бўлиб туради.

IX-XII АСРЛАРДА МЕЪМОРЧИЛИК ВА МУСИҚА САНЪАТИ

Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразшоҳлар сулоалари ҳукмронлик қилган IX-XII асрларда Мовароуннаҳр сарҳадларида яшаган, улус-элатлар ўртасида нисбатан осойишталик, тотувлик, яқинлик ва ҳамжиҳатлик вужудга келдики, бунинг орқасида ўлкада моддий ишлаб чиқариш, маданий ривожланиш жараёни анча тезлашди, шаҳарлар ҳаёти юксалди, савдо-сотик, хунармандчилик ўсди, аҳоли фаровонлиги кўтарилди борди.

Мовароуннаҳр шаҳарларининг жуғрофий нуқтаи назардан Буюк ипак йўлининг энг муҳим туташ нуқталарида жойлашганлиги, шу боис бу ерда ишлаб чиқарилган, етиштирилган ҳар турли зироатчилик, чорвачилик, хунармандчилик маҳсулотлари, заргарлик, зеб-зийнат молларининг айирбош қилиб турилганлиги орқасида ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти жиддий юксалишга юз тутди. Буюк ипак йўлига туташ аҳоли манзилгоҳларида обод ва кўркем шаҳарлар вужудга келди. Жумладан, биргина Хоразм воҳасида X аср бошларида унда 10 га яқин шаҳарлар мавжуд бўлса, XI аср ўрталарига келиб бундай шаҳарлар сони 40 тага етди.

Сомонийлар ҳукмронлик қилган IX-XI асрларда ишлаб чиқариш тармоқлари тўхтовсиз кенгайиб борган, кўплаб ирригация иншоотлари, суғориш каналлари, сув айирғичлар қурилиши натижасида деҳқончилик маданияти анча ўсади. Сомонийлар пойтахти Бухорога ҳар томондан олиму донишмандлар, сайёҳу тижоратчилар, меъмору хунармандлар оқиб кела бошлаган. Тарихчи Абу Мансур Ас-Саолибийнинг (961-1038) ибораси билан айтганда Бухоро Сомонийлар давридан бошлаб, «шон-шухрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари йиғилган (жой) эди».

Маҳаллий ҳукмдорлар амри, фармони билан шаҳарда кўплаб ноёб тарихий обидалар, илмий-маданий масканлар, кутубхоналар, мадрасаю масжидлар, хонақаю мавзолейлар барпо этилди.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда моддий маданият ўзига хос услуб ва шаклларда тўхтовсиз ривож топиб борди. Халқ ичидан чиққан маҳаллий усталар, меъморлар, наққошлар, кулоллар, заргарлар, мискарлар томонидан юрт довуғини оламга танитган ажойиб меъморчилик обидалари, санъат намуналари бунёд топди. Булар жумласига Бухорода қад ростлаган машхур Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Самарқанд яқинидаги Тим қишлоғидаги Араб ота мақбараси (977-978 йй.), XI асрда Марвда барпо этилган Султон Санжар мақбараси, Ўзгандаги Қорахонийлар мақбараси, Ғазна яқинида

мармар кошинлардан тикланган Ғазнавийларнинг маҳобатли ёзги саройи (1112 й.), Бухородаги Минораи Калон (1127 й.) сингари ноёб архитектура иншоотларини нисбат бериш мумкин. Ўша замонларда халқаро карвон йўли ўтадиган чўлли, сахроли ҳудудларда маҳаллий ҳукмдорлар фармойиши, саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган, муҳим қулайликларга эга кўркам, обод работлар, сардобалар, карвонсаройлар ва шу сингари масканлар ҳам улуғ аждодларимиз ижодкорлиги ва бунёдкорлигини ўзида мужассам этади.

Бу даврларда барпо этилган муҳташам мадрасаю хонақоҳлар, илм-урфон масканларида юртнинг қанча-қанчалаб иқтидорли фарзандлари, олимлар, мударрислар, уламолар раҳнамолигида диний ва дунёвий билимларни қунт билан ўрганганлар ва аста-секин фан чўққилари сари кўтарилиб борганлар.

Меъморчилик ва санъат IX-XII асрларда ўлкада марказлашган йирик давлатларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожини, давлатчиликнинг мустақамланиши, маънавий ҳаёт, илм-фаннинг ривожланишигагина эмас, балки моддий маданиятнинг ҳам ривожланишига асос бўлди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Узган ва Марв каби шаҳарларда саройлар, масжид, мадрасалар, миноралар, мақбаралар, тим ва карвонсаройлар кўплаб қурила бошлади.

Бу давр Ўрта Осиё меъморчилигида ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, қурилиш материали сифатида пахса, хом ғишт ва пишиқ ғишт ҳамда боғловчи элемент сифатида ганчдан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган эди. Бу вақтда муҳим аҳамиятга эга бўлган синч қадаб қуриладиган уй-жойлар ва бинолар, саройлар, масжидлар, мадрасалар қурилишида ёғоч ҳам муҳим ўрин эгаллар эди.

X асрларга келиб бинокорликда қурилиш тартиби ҳам ўзгара бошлади. Маҳобатли қурилишда томи гумбаз билан ёпилган куб шаклидаги бинолар муҳим аҳамиятга эга бўла бошлади. Бухорода қурилган Исмоил Сомоний қабри устига пишиқ ғишт билан қурилган гўзал мақбара фикримизга мисол бўла олади. Бу бино тўртбурчак шаклида бўлиб, томи гумбаз қилиб ёпилган. Тўртбурчакдан найзали работлар ёрдами билан саккиз қиррали шаклга ўтилган. Шу билан бирга бу бино тўрт фасадлидир. Унинг тўрт томони ҳам бир хил, олд томонидек безатилган. Оддий қилиб айтганда, бинонинг олди, ёни ва орқа томони йўқ. Ҳамма томони бир хилда безатилган. Исмоил Сомоний мақбарасини қуришда ва безатишда араблардаги ўша давр учун хос бўлган меъморий хусусиятлардан ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, бинонинг ташқи бурчакларига устунлар ўрнатиш. Бино ичидаги бундай шаклдаги, шунингдек, думалоқ манзарали майдонлар ҳам исломгача бўлган ёдгорликларда учрайди.

IX-X аср меъморчилиги услубларини сақланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, сомонийлар давридаги кўпгина масжидлар ўз вақтида арабларгача бўлган ибодатхоналарнинг масжидга мослаштириш асосида қурилган. Улар бир хонали бўлиб, масжиднинг томлари устунга таяниб турган. Масжидларнинг томи одатда гумбаз шаклида бўлган. Масжидларда, айниқса, меҳроблари шакли, ёзувли қилиб қирқилган ғиштлар, ўйма ганчлар ва ҳатто тилла сувлар билан безатилган. Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда, Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шаҳристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда диний меъморчиликнинг ривожланиш йўллари кузатиш имкониятини берди.

Наршахийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад Бухоро Регистонида ўзи учун катта сарой қурдирган ва унинг қурилишига катта маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоят гўзал бўлган. Саройнинг олдида эса девонлар учун бинолар қурилган. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марвда, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу саройлар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар хушманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган.

Саройларнинг гўзаллигини Термиз шаҳридаги сарой мисолида кўриш мумкин. Бу сарой тўлиқ очиб ўрганилган. Сарой шаҳар мудофаа деворларидан ташқарида, боғлар орасида жойлашган ва 10 гектарга яқин майдонни ишғол этган. Сарой мудофаа деворлари билан ўралган. Сарой ўзининг маҳобатлилиги, серхашамлиги ва бағоят гўзал, нафис безаклари билан одамни ўзига жалб қилади.

Сомонийлар даврига оид шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уйлари тўғрисида ҳозир археология анча маълумотларга эга. Бу борада қадимий Самарқанд-Афросиёб, Хорашкент-Канка, Бинкент, Термиз, Марв, Деҳистон каби ўнлаб ёдгорликларда олиб борилган изланишларнинг натижаси диққатга моликдир. Афросиёбда бу даврга оид катта бир маҳалла очиб ўрганилган.

Сомонийлар даврида меъморчилик ўз тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритган. Ўрта Осиё меъморлари бу даврда шундай ноёб бинолар, санъат дурдоналарини бунёд этганларки, улар асрлар оша одамларни хайратга солиб келмоқда.

Қорахонийлар Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг бу ердаги маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарлар тараққий этди, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланди. Шаҳарлар ривожланиши билан шаҳар аҳолиси сони ҳам кўпайиб борди. Сомонийлар давридаёқ йирик

шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Қорахонийлар даврида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли - арк, шахристон, работдан иборат эди. Уларда янгидан янги ҳашаматли иморатлар пайдо бўлиб, бу иморатлар ўз тузилиши ва нақшлари билан ажралиб турарди.

Қорахоний ҳукмдори Шамс-ул-Мулк Бухоро яқинида сарой барпо этди ва бундан ташқари Ҳазара қишлоғи яқинида Дингарон масжидини ва унинг ёнида **Барот-и-Малик** номи билан машҳур бўлган карвонсарой курдиради. Бухоро шаҳрида 1127-йилда Қорахоний Арслонхон томонидан машҳур иморат - **Минорайи Калон** барпо этилди. Вобкентда XII асрнинг охирида Бухоро садри Абдулазиз II томонидан қурилган минорани, Жаркўрғонда (Сурхондарё вилояти) Қорахонийлар томонидан 1108-1109-йилларда барпо этган минорани, шунингдек, Бухородаги **Номозгоҳни** ва **Атторий** масжидини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қорахонийлар даврида Самарқанд шаҳрида ҳам кўплаб бинолар барпо этилди. Афросиёбдаги археологик қазилмалар шундан далолат бериб турибди. Лекин мўғуллар истилосидан сўнг бу бинолар вайронага айланди.

Термиз шаҳри XI-XII асрларда анча ривожланди, янги мустаҳкам муҳофаа девори қурилди, бу ерда барпо этилган Термиз ҳукмдорлари саройи айниқса машҳурдир. Бу саройни қазиб очган археологлар турли идишлар билан бирга афсонавий ҳайвонлар тасвирини ҳам топишди.

XI-XII аср бошларида Хоразмда ҳам кўпгина бинолар қад кўтарди. жумладан, Урганчдаги Фахриддин Розий ва Шайх Шариф мақбарасини, кўплаб карвон саройларни, **Буронқалъа**, **Наифқалъа** ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Биз ўрганаётган даврда меъморчиликдан ташқари бир неча сув иншоотларини қуриш ва унда йўнилган тош, пишиқ ғишт, сувга чидамли қурилиш қоришмаларидан — бандлар, новлар, кўприклар, сардобалар ва коризлар қурилган. Бу иншоотлар мамлакатда фан ва ишлаб чиқаришни ғоятда ривожланганлигидан далолат беради. 1,5 миллион метр куб сувни тўплаш имкониятига эга бўлган **Хонбанди** номли сув омборининг қурилиши фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади. Манбалардан маълум бўлишича, бундай сув иншоотларини қуриш учун сувнинг вертикал ва горизонтал босим кучларини ҳисоблаб чиқиш ва тоғда қурилганлиги учун тез-тез ернинг кимирлаб туриш кучларини ҳам математик йўллар билан ҳисоблаб чиқиш лозим бўлган ва бу иш муваффақиятли амалга оширилган.

Бу давр меъморчилиги билан бир қаторда унга боғлиқ бўлган наққошлик ва тасвирий санъат ҳам жадал суратлар билан ривожланди. Иморатларни ўймакор устунлар ва тўсинлар, деворларни эса бўёқли, ганчкор нақшлар билан безаш кенг расм бўла бошлади. Секин-аста наққошлик

санъатида ҳам илгаригидек, одамлар ва ҳайвонларни тасвирлангандан кўра мураккаб геометрик ва гулли нақшларга ўтила бошланди.

Наққошлик санъати қадимги Термизда жуда ривожланган эди. Бу борада **Ҳаким Термизий** мақбараси давридан сақланиб қолган ўйма нақш парча айниқса қимматлидир. Унда Самарқанд усулини эслатувчи себарча шаклидаги ўзига хос услублар мавжуддир. Бу даврда ҳаттотлик санъати китобларни кўчиришдагина эмас, балки биноларни безашда ҳам кенг қўлланила бошланди.

МУСИҚА САНЪАТИ

IX-XII асрларда маданий ҳаётнинг у ана бир таркибий қисмини ташкил этувчи мусиқа санъати ҳам ривожланди. Албатта, марказлашган йирик давлатларда иқтисод, халқларнинг турмуш-тарзи яхшилана боргани сари илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат билан бирга мусиқа ҳам ривожлана бошлайди. Албатта, ҳар ердагидек бу ерда ҳам байрамлар, тўйлар, халқ сайиллари мусиқа ва кўшиқларсиз ўтмаган. Бу ҳақда Махмуд Қошғарийнинг "Девони луғати турк" асарида келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир. Бу даврда куйидаги мусиқа асбоблари бўлган: уд, танбур, кубуз, рубоб, най, сурнай, карнай, кушнай каби ғоят хилма-хил торли, забурли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларидан кенг фойдаланилган. Бу даврда ҳатто янги созлар ихтиро этилган. Масалан, Рудакийнинг замондоши Абу Хифз Суғдий найга монанд шохруд номли торли асбоб яратган эди. Манбаларда Абу Бакр Рубобий, Бунаسر, Буамир, чангчи Лўкарий каби созанда ҳамда ҳофизларнинг номлари сақланиб қолган. Рудакий руд ва танбур каби созларни яхшигина чаладиган созанда ва хушовоз ҳофиз бўлган. Унинг машҳур «Буйи жўйи Мўлиён» шеъри ушшоқ куйида айтилиб, ниҳоятда шуҳрат қозонган. Ана шу давр куйлари, кўшиқлари халқимизнинг классик куйи "Шошмақом" ва бошқалар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Бу даврда шеъриятни ғоятда тараққий этганлигини қайд қилган эдик. Шеърият доимо мусиқа билан, ўз навбатида мусиқа мусиқашунослик фани билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ривожланади. Ўша даврнинг буюк алломаларидан Ал-Форобий, Абу Али ибн Синолар мусиқа ва мусиқашуносликка катта эътибор бердилар ва ўзларининг нодир асарларини яратдилар.

Биз аждодларимиз қолдирган буюк меросни IX-XII асрларда мамлакатимиз худудида юз берган чуқур ижобий ўзгаришлар, илм-фан, маданиятни ривожланишини ўрганар эканмиз, уларнинг яратилишида ўзларининг буюк хиссаларини қўшган буюк алломалар, олиму-фузалоларининг жаҳон цивилизасияси ривожланишига қўшган улушларини

алоҳида таъкидлаймиз. Жаҳон маданияти ривожига уларнинг ўринларини аниқлаб олишимиз ва кўрсатишимиз вақти келди. Уларнинг ҳаммаси мустақил Ўзбекистонда ёш авлодни миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга муҳаббат, садоқат, ғурур руҳида тарбиялашда катта рол ўйнайди.

“IX-XII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ (РЕНЕССАНС) ДАВРИ. ФАН ВА МАДАНИЯТ РАВНАҚИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши туфайли халқимизнинг асрий орзуси ушалди, ўз тақдири ва келажагини ўзи яратадиган бўлди. Тарихан қисқа даврда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида кескин бурилиш ясалди. Мамлакатимизни модернизация қилиш, фаол демократик янгиланишларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор ислохотлар ўтказилди. Жумладан, ана шу буюк ўзгаришларни асрлар давомида орзу қилган халқимизнинг кўҳна тарихига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Зеро, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.”⁵ Айниқса, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва янада юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишда Ватан тарихини ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш, бирламчи манбаларга таяниб талқин этиш, келажак авлодга ҳақиқий тарихимизни ўқитиш орқали уларни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади.

Янги жамият қуриш, аввало, ёшларга, уларнинг маънавий дунёси, касб-маҳоратига боғлиқ. Бинобарин, ёш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, уларни Ватан, халқ ва истиқлол тақдири учун ғоявий курашчанлик руҳида тарбиялашда, юксак маънавиятли комил инсон бўлиб шаклланишида, шунингдек, халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида биз ёритмоқчи бўлган мавзуимизнинг аҳамияти катта. Ушбу мавзунинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда мактабларда ўқитилиши ҳам ана шу юксак аҳамият билан белгиланади.

Талабаларнинг аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти билан фахрланиш ҳис-туйғусига эга бўлиши зарур.

Ёш авлод онгида инсоният учун энг муҳим бўлган маънавиятни шакллантириш ҳамда янада юксалтириш, улар онгида юксак маънавий

⁵ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008. – Б.4.

фазилатларни шакллантириш жараёнида миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, тарихий хотиранинг ёшларимизни Ватанга садоқат ҳамда миллатпарварлик руҳида тарбиялашдаги мислсиз аҳамиятини ифода этиш, ўз тақдири ва келажagini барпо этадиган ёш авлодни янги жамиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган ғоялар асосида тарбиялашга қаратилган.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология” юнунча сўз бўлиб, “*techné*”–маҳорат, санъат ва “*logos*”–тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. “Таълим технологияси” иборасининг маъноси –(инглизча “*An educational technology*”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” (*ЮНЕСКО*).

“Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” (*М.В.Кларин*).

“Педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир” (*Ў.Қ.Толипов*).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, “Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг асосий

мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир”.

XXI асрда Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устивор вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида ижтимоий фан ва бошқа кўплаб соҳа мутахассис ва олимларимиз зиммасига тегишли ўқув фанлари бўйича ўқув адабиётларини ҳозирги давр талаби ва илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш, таълим жараёнига инновация ва таълим технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Маълумки мамлакатимиз олий таълим муассасаларида “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш жараёнида инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни қўллаш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади.

“IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш даври. Фан ва маданият равнақи” мавзусини ўқитишда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда қуйидаги инновациялар ва таълим технологиялари қўлланилмоқда.

Интерактив ўқитиш технологиялари 1) Икки кишилик. 2) Аралаш учлик. 3) Карусель. 4) Кичик гуруҳларда ишлаш. 5) Аквариум. 6) Тугалланмаган сўзлар. 7) Ақлий хужум. 8) Ечимлар дарахти. 9) Ишбилармонлик ўйинлари. 10) Ролли ўйинлар. 11) Матбуот анжумани. 12) Ўз позициясини эгаллаш. 13) Дискуссия. 14) Дебатлар ва хоказолар.

Инновацион технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Уларга ўқув жараёнидаги янги шаклдаги интерактив усуллар киради. Талабалар дарс жараёнида мавзунини ўзлаштириш учун доира шаклида ўтирадилар.

Тарихни ўқитиш таълим тизимида **медиацияга кириш технологиясини** киритиш мумкин. Талабаларга вужудга келган тарихий мунозараларни нейтрал воситачи - Медиатор иштирокида тинч йўл билан хал этишни ўргатиш. Бу ҳолатда талабалар инсонларга ҳаққоний тарихни етказиб беришнинг ўта муҳим жараён ва вазифа эканлигини тушуниб етадилар. Бу технология бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларнинг жумладан, Америка Қўшма штатлари, Германия, Япония ва Россия давлатларининг олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда кенг қўлланилмоқда. Биз қуйида дарс жараёнида медиация технологиясини қўллаш масаласини кўриб чиқамиз.

МЕДИАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Курс талабалари 3-та кичик гуруҳларга бўлинади. Профессор-ўқитувчи 1-ва 2-гуруҳларга бирор тарихий жараён билан танишиб чиқишни таклиф этади. Бу тарихий жараён ёзма, оғзаки ёки карточкаларда бўлиши мумкин.

1- гуруҳ келтирилган тарихий жараённинг сиёсий жиҳатларини очиб беради, 2-гуруҳ вужудга келган сиёсий жараён оқибатида пайдо бўлган иқтисодий муаммолар бўйича ўз қарашларини баён этади.

10-дақиқа ўтгандан сўнг ҳар бир гуруҳнинг аъзоси ўз қарашларининг химоясини таъминлаш учун сўзга чиқади ва химоя қилади.

3-гуруҳ - **медиаторлар**. Уларнинг вазифалари тарафларни ўзаро бир ечимга келиш учун ишонтириш ва яраштириш ҳисобланади.

Медиация технологиясининг босқичлари: (доскада)

1.Тарафларнинг сўзга чиқиши.

2.Тарафларнинг манфаатларини аниқлаштириш. Бунда медиаторлар у ёки бу тарафларга Сиз нима учун бундай қилдингиз? Бу жараённинг яна қандай аҳамияти бор? Ва шунга ўхшаш саволлар билан мурожаат қилишади.

3.Кун тартибини шакллантириш. Медиаторнинг фикрича бирор бир масалалар бўйича бир ечимга (компрамисга) келинади.

4.Таклифларнинг илгари сурилиши. Ҳар бир тараф жараённи ижобий ҳал этиш бўйича ўз вариантлари ечимини таклиф этади.

5.Қарорни танлаш. Келишувни шакллантириш.

6.Келишувнинг бажарилиши.

Медиация жараёнини муаллифларнинг фикрича қуйидаги модел бўйича тушунтириш мумкин:

А - Медиация

О - медиация жараёнини ташкил этиш;

С - эшитиш;

Э - медиаторнинг ҳар қайси тараф билан алоҳида учрашуви;

Г, П - таклифларни генерация қилиш;

Э,Ф - эҳтиросларнинг фактлардан ажратилиши (муаммонинг асл кўриниши);

Р,Р - ресурсларнинг кенгайиши (медиатор тарафларга муаммони ҳал этиш учун нима етишмаслигини тушуниб етишига ёрдам беради ва уларни мутахассислар олдига юборади; (масалан: файласуфлар, сиёсатшунослар ...)).

Н – тарафларни музокараларда ўзини тутишга ўргатиш;

С - ҳаракатларнинг оқибатлари, саволларга асосан таклифларнинг реал қабул қилиниши ҳолати, ходисаларнинг ривожланиши.

Тарихий воқеа ходисаларни ҳозирги замон тизими педагог ходимларга анъанавий ва инновацион таълим технологияларини амалиётда оптимал ечимини топишга имкон яратади.

ЭРКИН ЁЗИШ МЕТОДИ.

Талабаларга беш дақиқа ичида “Бухорий мероси” мавзуси бўйича ўз хаёлларига келган барча нарсаларни тўхтамасдан ёзишни таклиф қилиш мумкин. Беш дақиқа тугаганида (эслатма, беш дақиқа тугади деб эълон қилинг ва ишни тугаллаш учун яна бир дақиқа вақт беринг, зеро қизиқарли фикрлар одатда танг вазиятларда туғилади) уларга ўз ёзганларини шерикларига ўқиб беришини таклиф этиш мумкин.


Мазкур босқичда ўқитувчининг ихтиёрида кўп имкониятлар бўлади. Масалан, жуфтликларга ўз фикрларини бутун гуруҳ билан ўртоқлашишни таклиф этиш ва гуруҳий-ақлий ҳужум вазиятини яратиш мумкин.

ЁЗМА “ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ

Бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гуруҳи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бири қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини кўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қоиданинг бошқа вариантыда ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради.

Ўқитувчи варианты.

Ренессанс бу италянча сўз бўлиб, уйғониш деган маънони билдиради-Ўрта Осиёда уйғониш даври 9-12 асрларни ўз ичига олади –бу даврда буюк алломалар етишиб чиқди-бу даврда “Байт-ул ҳикма” ўз фаолиятини бошлади..... ва ҳ.к.



ОҒЗАКИ “ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ

Бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ МЕТОДИ

Учта ва ундан кўп жихатлар ёки саволларни таққослаш тақозо этилганида ушбу метод, айниқса фойдали бўлади. Жадвал қуйидагича тузилади: вертикал бўйича таққосланадиган нарсалар, горизонтал бўйича эса, ушбу таққослаш бажариладиган хусусият ва хоссалар жойлаштирилади.

Масалан, концептуал жадвал орқали мавзудан келиб чиққан ҳолда турли даврларда ислом динига бағишлаб ёзилган асарларни таққослаб кўрсатиш мумкин.

Асар номи	Қайси давр вакили эканлиги	Асар муаллифи	Асар мазмун моҳияти
“Ал-жомеъ ас-сахих”	9-аср	Ал Бухорий	Ўта ишончли хадислар тўплами
“Сунани Термизий ”	10-аср	Ат-Термизий	Ишончли хадислар тўплами
“Ал-Фикҳул - акбар”	11-аср	Абу Ҳанифа	Шариат асослари баён этилган ишончли манба

ТУШУНЧАЛАР АСОСИДА МАТН ТУЗИШ МЕТОДИ

“Тушунчалар асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: таҳлил қилиш ва умумлаштириш, далил ва ҳодисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш ва хоказо. Одатда талабалар номаълум ҳодисалар, янги материалларга дуч келадилар, янги билимларни эгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўллари излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

Мазкур методни қўллаш қоидалари:

Дастлаб ўқитувчи янги мавзунинг эълон қилади. Ўзи мавзунинг қисқача баёнини берганидан сўнг, мавзуга оид тушунчаларни ажратиб, тингловчиларга тақдим этади. Улардан бирини намуна сифатида бажариб кўрсатади. Сўнг талабалар таянч конспектдан фойдаланиб, тушунчалар асосида мустақил тарзда матн тузадилар.

Ўқитувчи варианты:

Масалан, “Ўрта Осиёнинг буюк сиймолари” мавзуси бўйича:

- 1) Хоразм, Боғдод академияси, расадхона, ўнлик тизим, тўрт амал, алгоритм, алгебра;
- 2) саккизта асар, “Самовий жисмларнинг ҳаракати ва юлдузлар илми”, астрономиядан қўлланма;
- 3) Фороб, Дамашқ, Миср, 160дан ортиқ асар;
- 4) Кат шахри, Маъмун академияси, хорижий тиллар, 200га яқин илмий асар, глобус, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, Ғазна.

ЎН МИНУТЛИК ЭССЕ

Эссе – бу муаллифнинг индивидуал нуқтаи назарини ифода этиш шакли бўлиб, бирор нарса-ҳодиса ёки жараён ҳақидаги умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Ўн минутлик эссени ёзиш қоидалари (“Менинг сеvimли асарим” мавзусида):

1. Таклиф этилган мавзуга доир сўзлар ҳажми 500 тадан 1000 тагача бўлиши мумкин.

2. “Бадиий адабиёт деганда кўз олдимга келади”, “Менинг фикримга кўра олимлар ... бўлиши керак”, “Қомусий олим ... каби сифатларга эга бўлиши керак” каби жумлалардан фойдаланинг.

3. Ўзингиз ҳавас қилган, сиз учун идеал бўлган муҳаддис ёки уламолардан бири мисолида замонавий олим тимсолини гавдалантиринг.

“IX-XII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ (РЕНЕССАНС) ДАВРИ. ФАН ВА МАДАНИЯТ РАВНАҚИ” МАВЗУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАЛАБАЛАРНИ БАҲОЛАШ ЮЗАСИДАН ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ МЕТОДИ

Кейс-стади инглизча case – аниқ вазият, stadi – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характериға эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

КЕЙСЛАР



Вазиятли масалалар!

1. 2015 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияларда юртимизда таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларида эришилган ютуқлар яна бир бор эътироф этилди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг концептуал йўналишлари белгилаб берилди.

Юқорида қайд этилган концептуал йўналишлар асосида амалга киритилган ўқув дастури, Ўзбекистон тарихи фанининг назарий ва амалий

муаммолари, тарих фанини ўқитишдаги инновациялар, ўқув дастури, маъруза матнлари, Ўзбекистон тарихи фанидан тайёрланаётган кейслар, амалий топшириқлар, назорат саволлари шу кунга қадар олий таълим муасасалари профессор-ўқитувчилари томонидан лозим даражада ўрганилмаган.

Кейс юзасидан саволлар:

1. Ушбу ўринда педагог ўқитувчилар талабаларга ушбу мавзунини қандай ёритиши мақсадга мувофиқ?

2. Мазкур вазиятдан келиб чиққан ҳолда масалани ҳал қилиш йўллари ёритинг?

2-кейс. Имом ат-Термизий (824-892) Термиздан унча узоқ бўлмаган Буғ кишлоғида туғилган. У ҳам Бухорий сингари Шаркнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. Ат Термизий ҳадислардан ташқари филология ва тарихга оид асарлар ҳам ёзди. Унинг Ю дан ортиқ ёзган асарлари орасида номини бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари “Жомеъ ат-Термизий” ёки “Сунан ат-Термизий” дир. Бу асар исломда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машҳур ҳадислар тўпламидан биридир. Термизийнинг илмий мероси диний аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, ахлоқий, дидактика тарихида ҳам жуда катта ўрин эгаллайди.

Кейс юзасидан топшириқлар:

1. Биз тадқиқ этаётган даврда олимларнинг кўплаб юртларда бўлишига сабаб нимада?

2. Нима учун Термизийнинг “Жомеъ ат-Термизий” ёки “Сунан ат-Термизий” асарлари исломда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машҳур ҳадислар тўпламидан биридир дейилган?

3. Мазкур вазиятни қандай баҳолайсиз ва Сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз?

Жадвални тўлдиринг:

Вазият тури	Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Мазкур вазиятда Сиз қандай қарор қабул қиласиз?

БЛИЦ-СЎРОВ МЕТОДИ

Талабаларга эътиборни тортувчи кўйидаги саволни ташлайди ва тезкор саволлар орқали талаба билими баҳоланади: ўйлаб кўрингчи, нима учун Ўрта Осиёда айнан IX-XII ва XIV-XV асрларда фан ва маданият гуллаб яшнади? Блиц-сўров ўтказди.

Тезкор саволлар

1. Ренессанс сўзи қандай маънони билдиради?
2. Хоразм Маъмун академиясига қачон асос солинган?
3. Маъмун академиясининг биринчи мударриси ким?
4. Абу Райҳон Беруний ва унинг илмий фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
5. Маъмун академиясининг олимлари фаннинг қайси соҳалари бўйича шуғулланишган?
6. Маъмун академиясининг инқирози ҳақида нималарни биласиз?
7. Ўрта Осиё халқларининг Уйғониш даври маданияти деганда нималарни тушунсиз?
8. IX-XII асрларда моддий ва маънавий маданиятнинг ўсишига қандай тарихий шарт-шароитлар сабаб бўлган?
9. Муҳаммад Мусо алоХоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг жаҳоншумул кашфитлари ҳақида сўзлаб беринг.
10. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синонинг фан тараққитидаги буюк хизматлари тўғрисида сизнинг таассуротларингиз?
11. Қайси олимлар ижтимоий фанлар равнақига катта ҳисса қўшган?
12. Ўрта Осиёда услом маданиятининг таркиб топиш жараёни қай тарзда кечди?
13. Ўрта Осиё замини қайси маънода ҳадис илми яратилиши ва юксак ривожининг асосий ватани саналади?
14. Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийлар қандай асарлари билан ҳадисшунослик илми ривожига ҳисса қўшган?
15. Туркий (эски ўзбек) адабиётнинг вужудга келиш жараёни қандай тарихий вазиятда кечди?
16. Ўзбек бадиий адабити тарққитида Аҳмад Югнакий ижоди қандай ўрин тутади?
17. Маҳмуд Қошғарий ва унинг «Девони луғатит турк» асарининг туркий адабиётнинг вужудга келиши ва юксалишидаги ўрни ва ролини тушунтириб беринг.

18. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий иждодининг умумбашарий моҳияти ҳақида нималар дея оласиз?
19. IX-XII асрлар адабиёти ривожига форс-тожик адабиёти ва унинг атоқли номояндалари ижоди қандай ўрин эгаллайди?
20. Рудакий ва Фирдавсий иждодининг умумбашарий аҳамиятини биласизми?

Бахс иштирокчисига эслатма

Бахс жараёни муносабатларни аниқлаш эмас, балки муаммоларни тўғри хал қилиш услубидир.

Ортиқча узоқ гапирма (кўп сўзларни хадеб қайтараверма) бошқаларга ҳам вақт қолсин.

Ўзингни қўлга ол, ички кечинмаларингни йўлга сол, айтадиган фикрларни ўйлаб ол, токи сенинг билдирган сўзларинг ўз теранлиги билан нишонга тегсин.

Оппонент позициясини тушуниб етишга ҳаракат қил ва унга ҳурмат билан ёндаш.

Оппонентнинг айтган фикрларига қарши ёндашувларни аниқ, юмшоқ ва маданият билан ифода қил.

Бахсга доир мавзу бўйича фикр билдир, ўзингга жуда ишониб кетма.

Муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар.

- 1) Илмий тадқиқотлар ривожига IX-XII ва XIV-XV асрлардаги қайси илмий марказлар ижобий таъсир кўрсатди?
- 2) Ўрта Осиёлик олим ва мутафаккирлар ҳаётида, характерида, иждодий фаолиятида қандай умумий хусусиятлар мавжуд эди.
- 3) Абу Наср ал Форобийни нима учун “Муаллими Соний”, яъни II ўқитувчи дейишади?
- 4) Ал-Хоразмийнинг Европа учун асарларининг аҳамияти нимада?
- 5) А.Берунийнинг қайси кашфиёти шу кунгача ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ?
- 6) Ибн Синонинг қайси асари бутун Европа шифокорлари учун ўқув кўлланма бўлиб қолган?
- 7) IX-XII асрларда архитектура ривожининг асоси нимада эди?
- 8) Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги маънавий ривожига ислом дини қандай рол ўйнайди.
- 9) Шарқ мусулмон дунёсида диний илмлар ривожига Имом ал Бухорийнинг ўрни нимада?
- 10) Адабиёт, тасвирий санъат, мусива қайси йўналиш ва жанрлар ривож топди.

11) Улуғбек илмий меросининг жахон тарихидаги ўрни нимадан иборат?

12) Алишер Навоий жахон ва ўзбек адабиёти ривожига қандай хисса қўшган?

13) Инсонларнинг маънавий ҳаётида уйғониш даври шароитида А.Навоий “Хамса” сидаги қайси фикрлар ўз долзарблигини сақлаб қолган?

14) Камолитдин Бехзодни “шарқ Рафаэли” деб аташимизга сабаб нимада?

Тестлар

1.Бағдоддаги академияни Ўрта Осиёлик қайси олим бошқарган?

А) Ал-Фарғоний

Б) Ал-Хоразмий

В) Ал-Фаробий

2.“Алгебра” фанининг асосчиси қайси олимлигини айтинг?

А) Хоразмий

Б) Беруний

В) Ибн Сино

3.Ўрта Осиёлик қайси олимнинг тадқиқоти ер шарининг ўлчовини ўлчашда қўл келган?

А) Беруний

Б) Фарғоний

В) Фаробий

4.Шарқда қайси олимни “Иккинчи муаллим” деб атайдилар (яъни, иккинчи Аристотел)?

А) Фаробий

Б) Фарғоний

В) Ибн Сино

5.Ибн Синонинг асосий асари номини аниқланг?

А) Тиб қонунлари

Б) Тиб қонуниятлари

В) Шифо қонуни

6.“Маъмун академияси”нинг раҳбари ким эди?

А) Фаробий

Б) Ибн Сино

В) Беруний

7.Берунийнинг қайси асарини ўрта асрларнинг асл қомуси деб аташади?

А) Донишмандлик дурдонаси

- Б) Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар
В) Ҳақиқат китоби
Г) Шифо китоби
8. Форсий тил шеърятининг асосчиси ким?
А) Рудакий
Б) Фирдавсий
В) Жомий
Г) Навоий
9. Шоир Фирдавсийга “Шохнома” асарини яратишни ким буюрган?
А) Муҳаммад Хоразмшоҳ
Б) Султон Санжар
В) Маҳмуд Ғазнавий
10. Мовароуннаҳрда қайси шаҳар “Ислом гумбази” номини олган?
А) Самарқанд
Б) Урганч
В) Бухоро
Г) Хирот
11. Муқаддас Қуръондан кейин иккинчи муҳим манба ҳисобланган ҳадислар тўпламининг муаллифи ким?
А) Ал-Бухорий
Б) Ат-Термизий
В) Аҳмад Яссавий

Тест топшириқларининг текшириш тартиби ва баҳолаш мезонлари

1. Тест топшириқларини тарқатишдан аввал талабалар тенг иккига бўлинади ва тест саволлари компьютер орқали намоиш этилади.
2. Талабалар 1 варақ қоғоз олиб, 1 дан 10 гача савол рақамларини қўйиб чиқади. Қисқа вақт ичида ҳар бир рақам тўғрисиغا фақат тўғри деб ҳисобланган жавобнинг ҳарфини қўйиб чиқади.
3. Талабалар жавоблар қўйиб чиққач, ўқитувчи бир гуруҳнинг жавобларини йиғиб олиб, иккинчи гуруҳ талабаларига, иккинчи гуруҳ жавобларини йиғиб, биринчи гуруҳ талабаларига тарқатиб чиқади.
4. Бу услубда жавобларни талабалар текшириб, уни баҳолашлари тушунтириб, ҳар бир саволнинг тўғри жавобини айтиб туриши, агар жавоб тўғри бўлса ўша савол ёки жавоб тўғрисиغا “5” балл қўйилишини, нотўғри жавоб бўлса “0” балл қўйилиши айтилади.

5. Барча саволларга текширувчи талабалар балл қўйиб бўлгач, ўқитувчи жавоб балларни қўшиб чиқиб, умумий йиғиндисини чиқариб, имзо (текширувчи имзоси) қўйилишини сўрайди.

6. Ўқитувчи бу услубда жавобларни қуйидаги мезон асосида баҳолашни тушунтиради:

Талабанинг исм-шарифи	Жами савол 10 та (хар бир тўғри жавобга 5 балдан)	Тўғри жавоб	Нотўғри жавоб	Йиғилган баллар	Журналга тушадиган балга айланиши
Исҳоқов Қ.		9	1	45	2
Маҳмудов А.		7	3	35	1
Наимов С.		4	6	20	0

Изоҳ: Журналда умумий баллнинг 56% ини олмаган талабаларга балл берилмайди.

МАВЗУНИ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ УМУМИЙ БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

I гуруҳ

1. 9-12 ва 14-15 асрларда яшаган Ўрта Осиёлик олим ва мутафаккирларнинг жаҳон илми хазинасига қўшган ҳиссасига таъриф беринг. (жавобда график органазердан, жадваллардан фойдаланиш мумкин)
2. Ўрта Осиёлик қомусий олимларнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасига қисқача умумлашган хулосалар беринг.

II гуруҳ

1. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида рўй берган уйғониш даврида адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги ютуқларга таъриф беринг. (9-12 ва 14-15 асрлар)
2. Ўрта Осиёлик маданият вакиллари жаҳон адабиёт ва санъати ривожига қандай таъсир кўрсатганлиги ҳақида қисқача умумий хулосалар беринг.

III гуруҳ

1. 9-12 ва 14-15 асрларда Ўрта Осиё халқларининг диний фикр ривожига ютуқларига таъриф беринг.
2. Қуйидаги саволга жавоб беринг: “Дин кўп ҳолларда фан ва маданиятнинг ривожига тўсқинлик қилиб келган” деган хулосаларга сиз қандай қарайсиз?”

Умумлашган жадвал

**Ўрта Осиёлик буюк қомусий олимларнинг ва маданият вакиллари
жаҳон цивилизациясига қўшган хиссалари (ўқитувчи варианты)**

Турли фанлар соҳасида ижод қилган олимлар

Олим ва мутафаккирлар и	Ҳаёт йиллари	Туғилган жойи	Илмий тадқиқот турлари	Асосий илмий асарлари	Муҳим илмий кашфиётлари	Кўрсати лган асарлар ёзилган тил

Адабиёт ривожига хисса қўшган мутафаккирлар

Исми	Ҳаёт йиллари	Асосий асарлари	Ижод тури	Жамоатчилик фаолияти

Ислом дини равнақиға хисса қўшган алломалар

Диний олим	Ҳаёт йиллари	Диний йўналиши (мактаби)	Қарашлари моҳияти	Асарлари

Архитектура ва санъат йўналишида ижод қилган аждодларимиз

Санъат турлари	Яратилган асар	Қайси тур ва йўналиш	Янги йўналишлар	Ижодий ғоялари
Муסיқа				
Тасвирий санъат				
Архитектура ва қурилиш				


Амалий машғулот регламенти (вақт) ва тартиби

- *Гуруҳда вазифани бажариш ва презентация варағини тўлдириш – 20 минут
- *Иш натижалари презентацияси билан чиқиш – 5 минут
- *Жамоа муҳокамаси ва гуруҳ ишининг баҳосини аниқлаш – 5 минут.

Кластерни тузиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатолиғига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

7



Б-БХ-БО МЕТОДИ

Инсерт техникасини қўллаб матнни ўқинг.

Йиғилган маълумотларни алоҳида системага (тартибга) солинг – матндаги қилинган белгиларга мослаб жадвалдаги устунларга тақсимланг

Б-БХ-БО (Биламан-Билишни хоҳлайман-Билиб олдим) жадвали

	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1				
2				

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ-
 Биламан/ Билишни
 хоҳлайман/ Билиб олдим.
 Мавзу, матн, бўлим
 бўйича изланувчиликни
 олиб бориш имконини
 беради.
 Тизимли фикрлаш,
 тузилмага келтириш,
 таҳлил қилиш
 кўникмаларини
 ривожлантиради.

Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.


“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.

Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

“НИМА УЧУН?” ТЕХНИКАСИ

Бу услуб муаммони энг сўнгги сабабларини аниқлашни ўйлаш учун бутун бошли занжир техникаси бўлиб, сиз муаммони номини тузишдан бошлайсиз. Сўнг “Нима учун” саволи билан мослама (стрелка) чизилади ва мияга келган сўз билан саволга жавоб ёзасиз. Бу жараён то муаммонинг якуний сабабларини топгунга қадар давом этиши мумкин. Шаклларни ўзингиз танлаб оласиз: думалоқли ёки тўғри бурчаклими? Ўйлаш занжири жадвали кўринишини ўзингиз танлаб оласиз: Спирал, чизиқли, чизиқсиз. Стрелка сизнинг қидирув йўналишингизни билдиради, бошланишдан ўйлаш охирига етгунча.



“БАЛИҚ СКЛЕТИ” БЎЙИЧА ИШЛАШ

“Балиқ скелети” чизмасы

“Балиқ скелети” чизмасы

Бир катор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради.


Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда юқори “суягида” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, такослайдилар, ўзларининг чизмаларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” ЧИЗМАСИ



ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёни тузилмаси

“ИНСЕРТ” жадвали
 Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари тўлдирадилар

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ:
 “V” - мен билган маълумотларга мос;
 “-” - мен билган маълумотларга зид;
 “+” - мен учун янги маълумот;
 “?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади

Инсерт

- V - биламан
- (-) - тўғри келмади
- (+) - янги ахборот
- (?) - тушунмадим

V	+	-	?

T – жадвал

T – жадвал
- бита концепция
(маълумот)нинг жиҳати
ўзаро солиштириш ёки
уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши)
учун.
Танқидий мушоҳада
ривожлантиради


T – жадвал қоидалари танишилади.
Якка тартибда расмийлаштирилади

Ажратилган вақт оралиғида тартибда
(жуфтликда) тўлдиради, унинг чап
томонига сабаблари ёзилади, ўнг
томонига эса чап томонда ифода
қарама – қарши ғоялар, омиллар ва
шу қабилар.

Жадваллар жуфтликда (гурӯҳда)
таққосланиши тўлдирилиши

Барча ўқув гурӯҳи ягона T – тузади.

Тузилмавий-мантиқий чизма “Поғона”



25

Тузилмавий-мантиқий чизма “Поғона”ни қуриш қоидалари

- 1. «Поғона»ни тузиш жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва элементларини силжйтиш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаш имконини беради.*
- 2. Агарда сиз гоёларни ишлаб чиқишида тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даража юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигини кўриб чиқинг.*
- 3. Сиз чандан ўннга ёзишга ўргангансиз. «Каскад» қуришини ўнгдан чапга қараб тузишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий гоёни чап тарафда эмас, балки ўнг тарафда жойлаштиринг.*

26

«Қандай» технологияси

- Муаммони қандай ҳал этиш мумкин эканлиги муҳокама қилинади
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?

«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “буни қандай қилиш керак?”, “қандай” асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилиши қуйидагилар имконини беради:

муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўллари ҳам тадқиқ қилиш;

қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлайдилар.

Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

1. Барча ғояларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;

Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин;

Агарда чизмада савол унинг “шоҳларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни аниқлатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин;

Янги ғояларни график кўринишида: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгга қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз;

Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди

Янги жамият қуриш, аввало, ёшларга, уларнинг маънавий дунёси, касб-маҳоратига боғлиқ. Бинобарин, ёш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, уларни Ватан, халқ ва истиқлол тақдири учун ғоявий курашчанлик руҳида тарбиялашда, юксак маънавиятли комил инсон бўлиб шаклланишида, шунингдек, халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида биз ёритмоқчи бўлган мавзуимизнинг аҳамияти катта. Ушбу мавзунинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда мактабларда ўқитилиши ҳам ана шу юксак аҳамият билан белгиланади.

Шунингдек, талаба-ёшларлар аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти билан фахрланиш ҳис-туйғусига эга бўлиши зарур.

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган тадбирлар улар онгида инсоният учун энг муҳим бўлган маънавиятни шакллантириш ҳамда янада юксалтиришга эътибор берилган. Шунингдек, улар онгида юксак маънавий фазилатларни шакллантириш жараёнида миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, тарихий хотиранинг ёшларимизни Ватанга садоқат ҳамда миллатпарварлик руҳида тарбиялашдаги мислсиз аҳамиятини ифода этиш, ўз тақдири ва келажагини барпо этадиган ёш авлодни янги жамиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган ғоялар асосида тарбиялашга қаратилган.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёдаги уйғониш (Ренессанс) даври намоёндаларини илмий меросини ўқитиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш ва улар асосида маъруза матнлари, янги авлод ўқув адабиётлари, электрон адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўқув фанлари бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фанларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Бу ўз навбатида, талабаларнинг мазкур мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришларининг асосий омили бўлиб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширади.

Айни шундай саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг татбиқ этишни янада жадаллаштириш, профессор-ўқитувчиларни илғор педагогик билимлар ва технологиялар билан қуроллантириш, уларнинг маҳоратини ошириш, хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда

улардаги самарали усул ва воситаларни миллий таълим тизимимизга жорий этиш имконини яратади.

Инсонда тарихий хотира ўз Ватани тарихини, ўз халқи, аجدодлари тарихини билиш орқали шаклланади. Яқин ўтмишда мустамлакачилар, тоталитар тузум мутасаддилари кўпгина халқларни, жумладан, ўзбек халқини ўз тарихидан жудо қилиш, уларни ўз ўтмишига лоқайдлик билан қарайдиган, насл-насабини эслолмайдиган манкуртларга айлантириш сиёсатини юритди. Амалда эса халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди, унинг бир неча минг йиллик бой тарихи сохталаштирилди, уни ёшларга ўқитиш ва ўргатишга изн берилмади.

Ватанимиз тарихининг ечилиши зурур бўлган муаммолари Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида атрофлича ёритилиб, жумладан, унда Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини, Ўзбекистон умумжаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлигини, Ўзбекистон тарихининг ҳар томонлама етук, миллий истиқлол ғояси билан қуролланган мутахассисларини тарбиялашдаги ўрни ҳақида тушунчалар берилади.

Шунингдек, тарихимиз дин (аниқроғи динлар) тарихи билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ҳаётни диндан, динни ижтимоий ҳаётдан ажратиб бўлмайди. Агар ажратилса, тарихга ҳам, динга ҳам, мантиққа ҳам зид бўлади. Маълумки, совет тарих фани тарихни сохталаштирди, дин - илмга зид, тарихий тараққиётга тўсқинлик қилади деган даҳрийликка амал қилди. Тарих қандай бўлса, уни шундайлигича ўрганиш устивор бўлмоғи керак, шунинг учун ҳам у дин билан мўътадил, мутаносиблик асосида ўрганилмоғи ҳозир энг асосий зарурият бўлиб турибди. Бу эса, ёшларни ҳар хил дин ниқобидаги динга алоқаси йўқ террористик гуруҳларга адашиб кириб қолишларининг олдини олади. Шунингдек, тарихимизни ҳаққоний ва тўла ёзилишига имкон беради.

Бу давр тарихи ва маданиятини ўрганишда Ватан манфаати, миллий қадриятлар, халқ анъаналари ва урф-одатлари, дин, ислом дини тарихи, одамларнинг диний эътиқодлари, диний таълимотлар ва уларнинг асосчилари фаолиятини таҳлил қилишга, ёритишга, уларни ҳурматлаш, эъзозлаш нуқтаи назаридан ёндашдик.

Аждодларимиз қолдирган моддий ва маънавий ёдгорликлар билан танишар эканмиз, уларда халқнинг меҳнати, фикр-ўйлари, орзу-умидлари, ҳис-туйғулари мужассамлашганини қалбан ҳис этамиз, англаб етамиз. Ана шунда бу тарихий ёдгорликларнинг чиройли кўринишидан ҳузурланибгина

колмасдан, аждодларимизга, халқимизга, миллатимизга нисбатан меҳр-муҳаббатимиз ортади, Ватанимиз билан фахрланамиз.

Мустақиллик шарофати билан миллий тарихимиз ўз ўрнини топди, барча ўқув масканларида талаба-ўқувчиларга Ўзбекистон тарихини ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Эндиликда Ватанимиз тарихи миллатнинг, ёшларнинг ҳақиқий тарбиячисига айланмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», «Тарих - халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир» деган ифодали сўзлари ва кўрсатмалари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз ўтмишини, аждодлари тарихини яхши билган инсоннинг иродаси кучли бўлади, уни ҳар хил ақидалар гирдобига тушишдан сақлайди. Ўтмишни билган, тарих сабоқларини англаб етган инсон ҳозирги замонни яхши тушунади, келажакни тўғри тасаввур этади.

Халқимизнинг буюклиги, кучи, унинг бой маънавий меросга эга эканлиги билан белгиланади. Халқимизнинг маънавий пойдевори жуда қадимий ва мустаҳкам. Аждодларимиз етиштириб берган ўнлаб, юзлаб жаҳонга машҳур олиму-уламолар, меъмору-бинокорлар, наққошлар, заргарлар, ҳунармандлар, давлат арбоблари, халқ қаҳрамонлари ҳаёти, дунёда биринчилар қаторида бунёд этилган илм ва таълим масканлари фаолияти талаба-ўқувчилар учун катта ибрат мактаби, тарих сабоғидир. Келажак учун интилаётган ёшлар учун бу бой маънавий мерос мустаҳкам таянчдир. Унинг заминида тинимсиз ва машаққатли меҳнат, ҳар қандай тўсиқларни енгиш, илмга ва зиёга интилиш каби хислатлар ётади. Бундай хислатлар Ватан тарихини ўқитиш орқали ёшларга сингдирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Рахбарий адабиётлар.

1. И.А.Каримов.Истиқлол ва маънавият. Т.: Ўзбекистон. 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
4. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1999. -139 б.
5. И.А.Каримов.Баркамол авлод. Ўзбекистон тараққитининг пойдевори. Асарлар 6-жилд. Т.: “Ўзбекистон” 1999,324-347 бетлар.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
8. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
9. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият, 2008. -176 б.
- 10.Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.
- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир” маърузаси. - Тошкент., 2013 йил 6 декабрь.
- 12.Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Т.. Ўзбекистон, 2015. – 304 б.

II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон ва 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли буйруғлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1981-2 - сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган. (ЎР ҚХТ, 2013 й., 50-сон, 659-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги “Олий таълим муассасалари талабаларини меъёрий-ҳужжатлар билан таъминлаш тўғрисида”ги № 114 - сонли буйруғи.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги № 3-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги 5-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 242-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар.

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: “Фан”, 1993.

2. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд. -Т.: Фан, 1968.

3. Ф. Сулаймонова. Шарқ ва ғарб. Т.: "Ўзбекистон" 1997.

4. Буюк сиймолар, алломалар (1 ва 2 китоблар) Т.: “Мерос” 1995-1996.

IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалар.

1. Ўзбекистон тарихи. Т.: “Университет” 1997.
2. Ўзбекистон тарихи : Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик. Т.: "Янги аср авлоди", 2003. -675
3. Ўзбекистон тарихи (талабалар учун қисқача маърузалар матни). -Т.: "Университет", 1999. -103 с.
4. Ўзбекистонда ижтимоий - фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар : Т.: "Ўзбекистон", 1995. -240 б
5. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.-Т.: 2003.
6. Муртазаева Р.Х., Дорошенко Т.И и др. История Узбекистана. Электронный учебник для вузов. – Ташкент. 2010.
7. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: Академия, 2010.
8. Муртазаева Р. Х. Ўзбекистон тарихи : Маърузалар матни.Т.: 2000. -163

Фанни ўқитишнинг интерфаол услублари ва воситалари

1. Ислон Каримов. Асарлар тўплами. Электрон версия.
2. Ислам Каримов. Собрание трудов. Электронная версия.
3. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ёритувчи ўқув фильмлари.
4. “Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида” мавзусидаги фотоқўرғазма. Фотоқўрғазма 70 га яқин расм-қўрғазмаларни ўз ичига олади.
5. Шахнинг маънавий камолотини белгиловчи фазилатлар акс этган диаграмма ва слайдлар, расмли қўрғазмалар.
6. Ўзбекистон тарихи атласи.
7. Ўзбекистон тарихига доир тарихий хариталар.
8. Ўзбекистон тарихига доир схема ва диаграммалар.
9. Жадидлар фаолиятини ёритувчи «Буюк сиймолар» мавзусидаги фото портретлар.
10. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан талабалар иштирокида тайёрланган қўрғазмали қуроллар.
11. Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва жойлардаги бошқа музейларга экскурсиялар ташкил этиш.
12. Мавзулар бўйича тайёрланган тарқатма материаллар.

Электрон таълим ресурслари:

1. www.ictoriya.ru.
2. <http://www.intencia.ru>.
3. <http://www.anthropology.ru>
4. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
5. [Халқ сўзи газетаси – www.infoXS.Uz](http://www.infoXS.Uz)
6. [Туркистон газетаси – www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
7. [Маърифат журнали – www.ma'rifat-inform.uz](http://www.ma'rifat-inform.uz)
8. [Жамият ва бошқарув журнали – www.rzultacademyfreenet.uz](http://www.rzultacademyfreenet.uz)
9. [Мозийдан садо журнали – www.moziy.dostlink.net](http://www.moziy.dostlink.net)
10. [Ташқи ишлар вазирлиги – www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)